



«Тасдиқлайман»  
Бош директор  
Сандхаджаев С.С.

2023 йил 3 декабр

## «AMIRSOY» ТОҒ-ЧАНГИ КУРОРТИ ҚОИДАЛАРИ

### 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

- 1.1. «Amirsoy» тоғ-чанги дам олиш масканида туриш ва хизмат кўрсатишдан фойдаланишнинг ушбу қоидалари (кейинги ўринларда Қоидалар деб юритилади) «Amirsoy» Курорти худудида «Amirsoy» масъулияти чекланган жамияти кўшма корхонаси (кейинги ўринларда Компания деб юритилади) томонидан кўрсатиладиган пуллик хизматлардан фойдаланиш тартибини белгилайди.
- 1.2. «Amirsoy» Курорти (кейинги ўринларда Курорт деб юритилади) деганда компанияга тегишли бўлган, Тошкент шахри, Бўйтонлиқ тумани, “Чимён” ҚФЙ худудида жойлашган, хизмат кўрсатиш инфратузилмали тоғ чангиси трассалари ва канат йўлларини ўз ичига оладиган туризм саноатининг обьектлари мажмуаси тушунилади.
- 1.3. Ушбу Қоидалар Компаниянинг Бош директори томонидан тасдиқланган ва тасдиқланган пайтдан бошлаб улар Компаниянинг расмий веб-сайтида ва Курорт кассалари ёнида жойлашган маълумот стендларида жойлаштирилган.
- 1.4. Компания Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ рўйхатдан ўтган юридик шахс бўлиб, ўз фаолиятини Устав асосида олиб боради.
- 1.5. Курортнинг ишлаш тартиби, Курорт маъмуриятининг ишлаш тартиби, шунингдек Курортнинг баъзи хизматларини тақдим этиш жадваллари (режимлари) Мижозларга компаниянинг расмий веб-сайтида ва Курортнинг кассалари ёнида жойлашган маълумот стендларида жойлаштириш орқали етказилади.
- 1.6. Компания ўз фаолиятини тартибга солища Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари, Компания Устави, ушбу Қоидалар ва бошқа маҳаллий хужжатларга амал қиласди.
- 1.7. Қоидалар - компаниянинг оммавий оферти бўлиб, яъни қоидаларда ва унга иловаларда кўзда тутилган шартларда компания хизматларидан фойдаланиш тўғрисида шартнома тузиш тўғрисидаги таклифdir.

Ушбу таклифнинг (офертнинг) амал килиш мuddати чекланмаган.

Агар Қоидаларда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, тегишли хизматларни сотиб олиш / хизмат учун пул тўлаш, Мижознинг ушбу Қоидаларга тўлиқ розилиги (Компаниянинг таклифини кабул килиши) деб ҳисобланади.

Хизматлар ҳақини тўлаш Курорт кассасида накд пул билан, шунингдек банк ўтказмаси орқали амалга оширилиши мумкин.

Ушбу Қоидаларга мувофиқ Компания ва Мижоз ўртасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари билан тартибга солинади.

1.8. Агар Қоидаларда бошқача кўрсатилмаган бўлса, юридик ва лаёқатли жисмоний шахслар (юқорида ва бундан кейин "Мижозлар", Мехмонлар", "Ташриф буюрувчилар", "Ижарачилар" деб аталади) дам олиш хизматларидан фойдаланиш ҳуқукига эга, куйидаги тоифалар бундан мустасно:

- алкоголь, гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар таъсири остида бўлган шахслар;
- хатти-харакати бошқаларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирадиган / дам олиш масканига зарар етказадиган / хатти-харакатлари жамоат жойларида хавфсизлик меъёрларига зид бўлган шахслар.

1.9. Курорт хизматларининг тарифлари (кейинги ўринларда Тарифлар) Компаниянинг бош директори ёки у томонидан ваколат берилган бошқа шахс томонидан тасдиқланади ва Мижозлар эътиборига компаниянинг расмий веб-сайтида ва кассалар ёнидаги маълумот стендларига жойлаштириш орқали етказилади.

1.10. Мижоз Компаниягә унинг шахсий маълумотларини қайта ишлашига розилик беради.

Мижоз ушбу оферт асосида компания билан шартнома тузиш ва кейинчалик уни бажарилиши, Мижозга Компания томонидан кўрсатиладиган хизматлар тўғрисида маълумот бериш учун розилик беради, ва куйидаги маълумотларга нисбатан қўлланилади: фамилия, исм, отасининг исми, телефон, электрон почта, паспорт ёки шахсни тасдиқловчи бошқа хужжат, яшаш жой манзили, фотосурат (бундан кейин - Шахсий маълумотлар).

Ушбу банднинг биринчи хатбошида кўрсатилгандек, розилик Мижознинг шахсий маълумотларига тегишли ҳар қандай харакатларни амалга ошириш учун берилади, қайсики юқоридаги мақсадларга

эришиш учун зарур ёки исталган бўлиб ўз ичига тўплаш, тизимлаштириш, жамғариш, сақлаш, аниқлаштириш (янгилаш, ўзгартириш), фойдаланиш, жавобгарлиқдан чиқариш, блоклаш, тутатиш кабиларни ўз ичига олади.

Компания Мижозларнинг шахсий маълумотларининг хавфсизлиги ва маҳфийлигини таъминлаш, шахсий маълумотларни тарқатмаслик ва ундан факат юкоридаги мақсадлар учун фойдаланиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Мижоз ўзининг шахсий маълумотлари тўғрисидаги маълумотларни олиши, шунингдек шахсий маълумотларни аниқлаштириш, блоклаш ва / ёки йўқ қилиш хукуқига эга. Ушбу хукуқ Мижоз томонидан компания жойлашган манзилига ёки [info@amirsoy.com](mailto:info@amirsoy.com) электрон почта манзилига, исм, фамилия ва почта манзили кўрсатилган тегишли сўровнома юбориш орқали оширилиши мумкин.

1.11. Компания Курорт худудининг ва унга ўрнатилган техник воситалар, ускуналар ва бошқа мулкларнинг қонуний эгаси хисобланади ва ушбу Қоидалар ва унга иловаларда байён этилган талабларни бузган хар қандай Мижозга, кўшимча тушунтиришларсиз ва тўланган хизматларнинг қийматини қайтармаган ҳолда, Курорт хизматларини тақдим этишдан бош тортиш ва Курорт худудида бўлишга рухсат бериш хукуқини ўзида сақлаб колади.

1.12. Барча низолар ёки келишмовчиликлар томонлар ўртасидаги музокаралар орқали, шу жумладан ёзма даъволарни юбориш орқали ҳал қилинади. Мижознинг ёзма шикояти тўғридантўғри касса чеки ва магнит картаси биринчири билан хизматларни тақдим этиш кундан бошлаб берилиши мумкин ва Курорт маъмурияти томонидан ариза берувчига ёзма жавоб билан, қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун ичida кўриб чиқилиши керак.

1.13. Агар низоли масалалар бўйича келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал қилишнинг иложиси бўлмаса, шу жумладан ёзма даъволарни юбориш орқали, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ умумий юрисдикция судида кўриб чиқилади.

1.14. Қоидалар барча жисмоний шахслар – Курорт Мижозлари учун мажбурийдир, шу жумладан хизматни юридик шахс ёки хусусий тадбиркор сотиб олган тақдирда ҳам.

1.15. Мурракаблик даражалари кўрсатилган тоғ-чанги трассалари, бошқа маҳсус ажратилган маршрутлар, номлари кўрсатилган канат йўллари, инфратузилма иншоотлари, тез тиббий ёрдам пунктлари, хизмат кўрсатиш ва ахборот пунктлари кўрсатилган Курорт харитаси Компаниянинг бош директори томонидан тасдиқланади ва расмий веб-сайтда ва ахборот стендларида жойлаштирилади. Курорт хизматлари учун тўловларни амалга оширган хар бир Мижоз ушбу маълумот билан танишиши шарт.

1.16. Постерлар, йўлкўрсаткичлар, абонементлар, Курорт маҳсулотлари ва Компаниянинг бошқа мулкида ишлатиладиган Курорт логотипи ва номи муаллифлик хукуқи билан ҳимоя қилинади ва улардан фойдаланиш мумкин эмас, Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган асослар ва тартиблар бундан мустасно.

1.17. Курорт хизматлари учун пул тўлаш билан (хизматлар учун ҳақ тўлаш ва / ёки улардан тўғридан-тўғри фойдаланиш) Мижоз ушбу Қоидалар билан тўлиқ танишганлигини, улар билан розилигини ва уларга риоя қилиш мажбуриятини олганлигини тасдиқлайди, шунингдек ушбу Қоидаларда белгиланган жавобгарликни олишга тайёр. Мижоз ушбу Қоидаларга бепарвоник ёки риоя қилмаслик натижасида келиб чиқадиган оқибатлар учун ўзи жавобгар бўлади.

Курорт хизматлари учун пул тўлаш билан (хизматлар учун ҳақ тўлаш ва / ёки улардан тўғридантўғри фойдаланиш), мижоз Курортда жойлашган белгилар ва эълонлардаги талабларини бажаришига рози эканлигини тасдиқлайди.

1.18. Мижоз Курортнинг бирон бир хизматидан фойдаланиш Қоидаларини ва Курорт худудида одоб-аҳлоқ қоидалари, чанғи трассаларида одоб-аҳлоқ қоидалари, скипасслардан фойдаланиш қоидалари, осма дор йўлларидан фойдаланиш қоидалари, тюбинг хизматидан фойдаланиш қоидалари, сақлаш камерасида алоҳида жойни ижарага олиш қоидалари, анжомларни ижарага олиш қоидалари, инструкторлар хизматларидан фойдаланиш қоидалари, арқон шаҳарчасидан фойдаланиш қоидалари, яхмалак майдони ва роллердромдан фойдаланиш қоидалари, сув ҳавзасидан фойдаланиш қоидалари, пуллик автотурагроҳлардан фойдаланиш қоидалари ва бошқа хизматлардан фойдаланиш қоидаларини бузса, Курорт маъмурияти ушбу Мижоз томонидан илгари сотиб олинган скипассларни бекор қилиш ва Мижозни "кора" рўйхатга - курортга ташриф буюриши чекланган шахслар рўйхатига киритиш хукуқига эга.

1.19. Компания Мижознинг пуллик хизматларидан фойдаланмаганлиги, Мижознинг мол-мулки, кимматбаҳо буюмлари, хужжатлари ва накд пуллари, шу жумладан спорт жиҳозлари ва сотиб олинган мавсум чипталари бут сакланганлиги, дам олиш хизмати учун тўлов хужжатлари, Мижоз томонидан ушбу Қоидаларнинг бузилиши натижасида Мижоз ҳаёти ва соғлиғига хамда унинг мол

мулкига етказилган заарлар учун, учинчи шахслар томонидан Мижозга етказилган заар учун жавобгар бўлмайди. Мижоз, чангчи учиш пайтида, Курортнинг бошқа хизматларидан фойдаланган холда унинг соғлиғига етказилган заар билан боғлиқ барча оқибатлар ва хавфларни ўз зиммасига олади ва Компанияни бу билан боғлиқ ҳар қандай даъволар, шу жумладан ҳёти ва соғлиғига етказилган заарни қоплаш, номоддий заарни қоплаш бўйича даъволарни тўлашдан озод қилишга рози бўлади.

1.20. Компания форс-мажор ҳолатларида, шу жумладан: табиий оғатлар (зилзилалар, тошқинлар, кор бўронлар, тўфонлар ва х.к.) оммавий тартибсизликлар, харбий харакатлар, иш ташлашлар, ваколатли давлат органларининг карорлари, фавқулотда вазиятлар (ресурс етказиб берувчи ташкилотларнинг харакатлари, таъмирлаш ва тиклаш ишлари ва бошқа шу каби шошилинч ишлар натижасида электр таъминотининг узилиши) натижасида ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги сабабли жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

## **2. КУРОРТ ХУДУДИДА ОДОБ-АҲЛОҚ ҚОИДАЛАРИ**

- 2.1. Дам олиш масканида чанғи ускуналарини кўтариб ҳаракатланаётганда, уни тик тутиш керак бўлади.
- 2.2. Мижозлар скипасслардан фойдаланиш қоидаларига, канат йўлларидан фойдаланиш қоидаларига, тюбинг хизматларидан фойдаланиш қоидаларига, чанғи трассаси ёнбағирларида ўзини тутиш қоидаларига, саклаш хоналарида ячейкалар ижарага олиш қоидаларига, спорт ускуналарини ижарага олиш қоидаларига, инструкторлардан фойдаланиш қоидаларига, пуллик автотураргоҳлардан фойдаланиш қоидаларига риоя қилишлари керак.
- 2.3. Мижозлар болаларни қаровсиз қолдирмасликлари керак. Болалар ёки ҳамроҳлари билан алоқани йўқотган тақдирда, кўп функцияли марказдаги мамурият пештахтаси олдида учрашишлари керак.
- 2.4. Мижозлар Курорт худудида ва жамоат жойларида тозаликка ва тартибга риоя қилишлари керак. Ахлатни ушбу мақсадлар учун мўлжалланмаган жойларда ташлаш тақиқланади.
- 2.5. Қаровсиз қолган нарсалар аниқланганда, уларга тегиш, очиш ёки бошқа жойга кўчириш тақиқланади. Шубҳали нарса топилган тақдирда, Мижозлар бу хақда дарҳол курорт маъмуриятига, чанғи патрули, канат йўли операторига хабар беришлари керак.
- 2.6. Дам олиш масканида қўйидагилар тақиқланади:
- Курортда қияликлардан учеб тушиш учун тоғ-chanғи ва сноуборд ускуналари билан боғлиқ бўлмаган жихозлардан (чана, пакетлар, матраслар, ва хоказолардан) фойдаланиш, Курорт маъмурияти томонидан маҳсус тақдим этилган жихозлардан ташқари;
  - ички ишлар органлари ва курорт маъмуриятининг олдиндан розилигисиз учадиган аппаратлардан (дронлар ва бошқалардан) фойдаланиш / учириш;
  - ресторанларда, кафеларда, барларда, кўп функцияли марказда ўзи билан олиб келинган алкоголь ичимликлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш;
  - трасса худудида, канат йўлларида ва маҳсус белгилар билан белгиланган бошқа жойларда чекиш. Шунингдек, Курорт маъмурияти ўз мижозларига ва бошқаларга сигареталарни ўчириш ва уларни тегишли чиқинди идишларига ташлашни ва тез ёнувчан нарсаларнинг ёнида чекишдан сақланишни катъиян тавсия қилади;
  - курорт маъмуриятининг олдиндан ёзма розилигисиз тижорат мақсадларида фото ва видео суратга олишни амалга ошириш. Журналистлар ва бошқа оммавий ахборот воситаларининг вакиллари Курорт худудидаги хатти-ҳаракатларида Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги амалдаги конун хужжатлари қоидаларига амал қилишлари шарт;
  - курорт маъмуриятининг ёзма розилигисиз ҳар қандай товарлар/ишлар/хизматлар тарқатиш, реклама ва бошқа тадбирларини ўтказиш.
- 2.7. Дам олиш масканида қўйидаги нарсаларни олиб кириш ва улардан фойдаланиш тақиқланади:
- курортда овқат тайёрлаш учун пишириш асблолари (мангаллар, гриль, кўмир, пичок, печка ва бошқалар) ;
  - портловчи, алнга оладиган, заҳарли, шунингдек бошқа шахслар ҳаётига хавф туғдирадиган бошқа моддалар;
  - ҳар қандай пиротехника буюмлари.
- 2.8. Транспорт воситаларининг/ўзи юрар транспорт воситаларининг пиёдалар зonasига ва маҳсус белгилар билан кўрсатилган бошқа жойларга киришига йўл қўйилмайди.
- 2.9. Курорт маъмурияти қаровсиз қолган нарсалар учун жавобгар эмас.
- 2.10. Ушбу Қоидалар истисносиз барчага, Курорт худудида бўлган шахсларга нисбатан қўлланилади. Мижоз ёки бошқа шахс ушбу Қоидаларни бузган тақдирда, Курорт маъмурияти, унинг хизматлар учун амалга оширган тўловларини компенсация қилмаган ҳолда Курорт обьектларига киришни чеклашга ҳақли ва бу чеклов келаси пайтларга хам қўлланилиши мумкин.
- 2.11. Дам олиш маскани худудида одамларнинг ҳаёти ва соглиғига хавф туғдирувчи тарзда амалга ошириладиган ташув хизматига мижозларни жалб қилиш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш тақиқланади.
- 2.12. Дам олиш масканида итлар билан тумшуқ бандисиз сайр қилишга рухсат берилмайди, улар албатта тасмага бириктирилган бўлиб, тасма узунлиги 1 метрдан ошмаслиги керак.

### **3. СКИПАССЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ**

3.1. Мижозлар Курортнинг төғ чангиси худудига, дам олиш масканида амал киладиган, Курортнинг расмий савдо нұқталарыда ёки [www.amirsoy.com](http://www.amirsoy.com) веб-сайтида сотиб олинган скипасслар билан киритиладилар. Скипасслар ўз эгаларининг ушбу Қоидаларга мувофиқ дам олиш масканида канат йўлларида учиш хукукини тасдиклайди.

Скипасслар деганда, дам олиш масканининг канат йўлларида юриш, курортнинг төғ чангиси трассаларидан фойдаланиш ва ушбу Қоидаларнинг 3.2-бандида кўрсатилган бошқа хизматлардан фойдаланиш хукукини берувчи дастурий магнит карта тушинилади.

3.2. Скипасс орқали фойдаланиш мумкин бўлган хизматлар рўйхати:

3.2.1. Курорт Тарифи билан белгиланган муддат давомида канат йўлларида учиш.

3.2.2. Дам олиш масканининг тайёр, очик төғ чангиси трассаларидан фойдаланиш.

3.2.3. Сақлаш хонасидаги ячейкалардан фойдаланиш (бу ҳолда, скипасс сақлаш хонасидаги ячейкаларга электрон калит сифатида ишлатилади)

3.3. Скипасс орқали хизматларидан фойдаланиш шартлари:

3.3.1. Мижозда алкогол ёки бошқа моддалардан захарланиш (мастлик) аломатлари йўқ бўлиши шарт.

3.3.2. Скипассларнинг нархи хизматлардан фойдаланишдан олдин тўланади. Курорт вакилининг илтимосига биноан, мижоз скипасс нархи тўланганлигини тасдиқловчи фискал квитанцияни тақдим этиши керак бўлади.

3.3.3. Скипасс хизматларидан фойдаланиш муддати Курорт Тарифларида кўрсатилган чипта турининг тавсифи билан белгиланади.

3.3.4. Скипассаларда хизматлардан фойдаланиш вақти, канат йўлларининг рўйхати, төғ чангি трассаларининг рўйхати, скипасслар бўйича хизматларни тақдим этиш учун мўлжалланган сақлаш хонасидаги ячейкалар рўйхати Компаниянинг бош директори томонидан тасдиқланади ва Компаниянинг расмий веб-сайтида, курортнинг ахборот стендларида жойлаштирилади.

3.4. Мижозларнинг жавобгарлиги:

3.4.1. Ушбу бўлимда кўрсатилган Курорт хизматларидан тегишли скапасс-сиз ёки бошқа шахснинг скипасс-сидан фойдаланаётган хар қандай шахс, шунингдек ўз чиптасини бошқа шахсга берган ёки чиптасини йўқотган ёки ушбу бўлимда белгиланган скипасслардан фойдаланиш қоидаларини бузган хар қандай шахс унга хеч қандай компенсация тўламаган ҳолда бир вақтнинг ўзида чиптани бекор қилиш орқали тегишли Курорт хизматидан фойдаланишдан четлатилади.

3.4.2. Скипассларни қалбакилаштириш, бошқа бировнинг / сохта скипассидан фойдаланиш, хукуқбузарларни Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ жавобгарликка тортиш учун хукукни муҳофаза қилиш органларига топшириш учун асос ҳисобланади.

3.4.2. Скипассни сотиб олиб, Мижоз ушбу скипассдан камида бир марта фойдаланилган бўлса, скипасс хизматининг тўланган қўймати Мижозга қайтарилмаслигига рози бўлади.

3.4.4. Дам олиш маскани скипасслар хизматидан фойдаланиш пайтидаги об-ҳаво шароити учун жавобгар эмас. Скипассдан фойдаланган ҳолда Мижоз тоғлардаги об-ҳаво шароити тез ва кутилмаган тарзда ўзгариши мумкинлигини ҳисобга олиб, хар қандай усул билан об-ҳаво маълумотлари тўғрисида мустакил равишда маълумот олиши керак. Чиптани сотиб олиш ва Курорт хизматларидан фойдаланиш билан, Мижоз хизматлардан фойдаланиш оқибатлари учун барча жавобгарликни мустакил равишда ўз зиммасига олади.

## **4. КАНАТ ЙЎЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ**

### **4.1. Киришнинг умумий қоидалари:**

4.1.1. Мижозлар ушбу Қоидаларни ўрганишлари, шунингдек, мавжуд вазият (об-ҳаво шароити, дам олиш маскани худудида ўрнатилган маълумот стендлари ва овозли билдиришномалар тизими орқали йўлларнинг ҳолати) билан танишишлари ва канат йўлларидан фойдаланишда ўз имкониятларини, шунингдек, улар билан бирга бўлган болалар ёки ногиронларнинг имкониятларини баҳолашлари керак.

4.1.2. Мижозларга, ушбу Қоидаларнинг З-бўлимига мувофиқ, амалдаги скипасслар мавжуд бўлганда канат йўлига киришга рухсат берилади. Канат йўлларининг айрим бўлимларига кириш вақтинча ёки доимий равишда ёпиқ бўлиши ёки об-ҳаво шароитларига қараб чекланган бўлиши мумкин.

### **4.2. Болалар кириши:**

4.2.1. Баландлиги 130 см дан кичик бўлган болалар учун кресоли канат йўлига катта ёшли, лаёқатли ҳамроҳсиз чиқишилари тақиқланади.

4.2.2. Баландлиги 130 см дан кичик бўлган иккита болаларга кресоли канат йўлида ҳамроҳлик қилаётганда улар ҳамроҳлик қилаётган кишининг иккала томонидан ўтиришлари керак, шу билан бирга бола / болалар ва ҳамроҳлик қилаётган киши ўртасида бўш жой бўлмаслиги керак.

Болаларга ҳамроҳ бўлган шахслар:

- болаларнинг аҳволини баҳолаши ва уларни хавфсиз жойлаштириши, ташиш ва тушириши ташкил қилиши керак;
- болаларни канат йўлларида, айниқса ҳаракатланувчи таркиб тўхтаган тақдирда, ўзини тутиш қоидалари тўғрисида хабардор қилишлари керак.

4.2.3. Гондолаларда, З ёшдан ошган ҳар бир бола битта ўриндикни эгаллади. Кресолик кўтарилигчларда ҳар бир қаторда камида битта катта киши бўлиши керак. Бир ёшга тўлмаган болаларга кресоли канат йўлига чиқиш тақиқланади.

### **4.3. Жисмоний имкониятлари чекланган Мижозлар учун кириш:**

4.3.1. Канат йўлларига абонимент сотиб олишдан олдин, жисмоний имкониятлари чекланган Мижоз ёки ҳамроҳлик қилувчи киши, уларнинг имкониятлари ва қўшимча ёрдамга бўлган эҳтиёжлари тўғрисида Курорт ходимларига хабар берилшлари керак.

4.3.2. Махсус асбоблардан (ногиронлар аравачалари, махсус спорт анжомларидан) фойдаланилганда, улар канат йўли хизмати ходимлари томонидан баҳоланиши ва рухсат берилиши керак.

### **4.4. Юкларни ташиш:**

Гондолали канат кўтаргичининг кабиналарида чанғи ва сноуборд тахтаси кабинанинг очиладиган эшикли ташқарисида жойлашган махсус бўлинмаларда ташилади, чанғи таёқчалари кабина ичидаги ташилади. Бошқа турдаги юкларни ташиш, агар одамлар ва жиҳозлар учун хавф туғдирмаса, канат йўли хизмати ходимлари томонидан рухсат этилиши мумкин.

4.5. Дам олиш маскани осма дор йўлларида **ҳайвонларни** ташишга рухсат берилмайди – йўлбошчи итлар ва хизмат итлари ҳамда оғирлиги 5 кг дан ошмайдиган кичик зотли мушуклар ва итлар бундан истисно.

### **4.6. Канат йўлига чиқиш:**

Йоловчининг осма канат йўлининг ҳаракатланувчи таркиби чиқиши, кўрсатилган жойларда (стансияларда) ва стансия навбатчисининг иштирокида рухсат берилади. Канат йўлига чиқиш ёки тушиш пайтида ёрдамга мухтоҷ бўлган Мижозлар бу ҳақда стансия навбатчисига олдиндан хабар қилишлари керак.

Мижозлар:

- бошқа йўловчиларга халақит бермасдан навбат билан тушушлари керак;
- ўриниклар сонига амал қилишлари керак: гондолали канат йўли кабинасида 8 (саккиз) ва аравачали канат йўлида 4 (тўрт) киши;
- багаж ташиш қоидаларирига риоя қилишлари керак;
- ўтириш платформаси белгиланган майдончадан ташқарига чиқмасликлари керак;
- гондола канат йўли кабина эшикларининг ёпилишига/очилишига тўсқинлик қилмасликлари керак.

Йоловчи осма канат йўлининг ҳаракатланувчи таркиби чиқиши учун белгилар бўйича, яқинлашаётган креслолар қаторига параллел равишида туриши керак. Креслога ўтиргандан кейин, хавфсизлик рамкасини тушириш керак. Кресло тўлиқ тўлмаган бўлса, унинг оғиб кетмаслиги учун креслонинг ўртасига жойлашиши керак.

#### **4.7. Мижозларни гондола типидаги канат йўлида ташиш:**

4.7.1. Мижозлар канат йўлида ушбу Коидаларга мувофиқ ташилади ва ташиш канат йўлининг хизмат кўрсатиш қобилиятига ва унинг иш жадвалига мувофиқ равишда амалга оширилади.

##### **4.7.2. Ташиш пайтида қатъян тақиқланади:**

- ҳаракат пайтида эшикларни очишига ҳаракат қилиш;
- дераздан нарсаларни ташлаш ёки кабинада ахлат қолдириш;
- ҳаракат пайтида кабинани силкитиш ва ўриндикдан туриш;

##### **4.7.3. Ҳаракат пайтида мижозлар мажбуриятлари:**

- ўтирган холда кетиш;
- кабина тўхтаган тақдирда, ўзи ундан чиқишига ҳаракат қиласлиқ, балки куткарув ёки канат йўллари хизмати кўрсатмаларини кутиш;
- тушиш жойига келганда, кабинанинг эшиклари тўлиқ очилишини кутиш;
- кабинадан чиқаётганда, бошқа йўловчиларга халақит бермаслиқ;
- агар кабинадан платформанинг белгиланган чегарасида тушиш имкони бўлмаса, унда жойда қолиш ва канат йўллари хизмати кўрсатмаларини кутиш;
- агар бирон бир бегона нарса топилган бўлса, «Amirsoy» дам олиш маскани операторига +99871 200 22 90 телефон рақами орқали мурожаат қилиш ва қўшимча равишида канат йўлларидан тушганингиздан сўнг дарҳол канат йўллари ходимларига ёки хавфсизлик ходимларига мурожаат қилиш.

##### **4.7.4. Тушиш пайтида Мижоздан талаб қилинади:**

- кабина эшиклари очилишини кутиш;
- бошқа йўловчиларга халақит бермасдан кабинадан чиқиши;
- агар кабинадан ёки креслодан платформанинг белгиланган чегарасига тушишига имкон бўлмаса, жойида туриш ва канат йўл хизматининг кўрсатмаларини кутиш.

##### **4.7.5. Қатъян тақиқланади:**

- Мижозлар учун ёпиқ бўлган канат йўлига чиқиши;
- белгиланган майдонлардан ташқари жойда тушиш;
- чекиши, спиртли ичимликлар ичиш, алкогольдан ва гиёхванд моддалардан маст холатда бўлиш;
- канат йўлининг жихозлари ва металл конструкцияларига зарар етказиш;
- полга, устунларга, деворларга, кабиналарга чизиш ёки ёзиш;
- портловчи, ёнадиган ва заҳарли моддаларни, куролларни ва Мижозлар ва Курорт ходимларининг хавфсизлигини хавф остига солувчи бошқа нарсаларни ташиш.

#### **4.8. Кресло типидаги канат йўлларидан фойдаланиш хусусиятлари:**

- чангичи томонидан кресло типидаги канат йўлига ўтириш факат махкамланган чангни билан амалга оширилади (чангни таёқчалари қўлга олинади), сноубордчи - сноубордини бир оёғига махкамлаб олиши керак.
- Кресло типидаги канат йўлида ҳаракатланаётганда креслони силкитиб, хавфсизлик рамкасини кўтариши тақиқланади;
- тушишдан сўнг дарҳол канат йўли креслосига бириктирилган ускунани олиб ташлаш ёки канат йўли стантсияси навбатчисидан ёрдам сўраш керак.
- Мижозлар учун ёпиқ бўлган канат йўлига ўтириш тақиқланади;
- белгиланган майдонлардан ташқарига чиқиши тақиқланади;
- чекиши, спиртли ичимликлар ичиш, алкогольдан ва гиёхванд моддалардан маст холатда бўлиш тақиқланади;
- канат йўлининг жихозлари ва металл конструкцияларига зарар етказиш тақиқланади;
- полга, устунларга, деворларга, кабиналарга чизиш ёки ёзиш тақиқланади;
- портловчи, ёнадиган ва заҳарли моддаларни, куролларни ва Мижозлар ва Курорт ходимларининг хавфсизлигини хавф остига солувчи бошқа нарсаларни ташиш тақиқланади.

#### **4.9. Конвеер типидаги кўтаргичдан фойдаланиш хусусиятлари:**

- конвеер типидаги кўтаргичга ўтириш факат унинг бошланиш нуктасида рухсат берилади, тюбингдан фойдаланиш учун эса – аввал кириш турникетидан ўтиш орқали;
- чангичи томонидан канвеер типидаги канат йўлига ўтириш факат махкамланган чангни билан амалга оширилади, сноубордчи – сноуборди оёғига илгакланмаган холда;
- тепага чиқаётганда йўловчи барқарор холатда бўлиши ва тепага қараб туриши керак;
- конвеер типидаги кўтаргичда ҳаракат пайтида, кўтаргич арконида юриш, орқага, кўтарилиш тарафга орқа билан кайрилиш, арқонга ўтириш, кўтарилиш тугагунига қадар тушиш, канвеер

- атрофидаги объектлар / сиртларга ёпишиш тақиқланади (хаёт ва соғлик учун хавфни бартараф этиш зарур бўлган ҳолатлардан ташқари) ;
- кўтарилиш тугатилмасдан олдин конвеер типидаги кўттаргичдан тасодифан тушиб қолса, йўловчи дархол, трассадан тушиб кетаётган шахслар / объектларни визуал назорат қилган ҳолда, кўтарилишни пиёда равишда тугатиши ёки пастга тушиши керак;
  - кўтарилишнинг сўнгти нуқтасида конвеер типидаги кўттаргичдан тушганда, инерция кучини ҳисобга олиш керак ва куйидаги йўловчилар томонидан кўтарилишни тўсқинликсиз тугатишлари учун майдончани дархол бўшатиш керак.
- 4.10. Канат йўлининг ҳар қандай туридан фойдаланган ҳолда, Мижоз ушбу Қоидалар билан тўлиқ танишганлигини ва рози эканлигини тасдиклайди.

## **5. ТЮБИНГ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ**

### **5.1. Умумий қоидалар:**

5.1.1. Хаво босимли чанада (бундан буён матнда тюбинг) тушиш учун маҳсус белгиланган маршрутларга кириш хукукини таъминловчи скипассни сотиб олиш, ушбу бўлимда кўрсатилган Курорт хизматларидан фойдаланиш қоидалари ва бошқа қоидаларга Мижознинг тўлиқ розилигини англатади.

5.1.2. Тюбинг хизматларидан фойдаланганда тавсия этилади:

- ҳимоя воситаларидан фойдаланиш (орқа ёстиклар, билакликлар, кўлқоплар, тиззаликлар, тирсакликлар, кўзойнак ёки ниқоб ва бошқалар)
- кийимнинг инвентарга илинишини олдини олиш.

5.1.3. Хавфсизликни таъминлаш мақсадида, Курорт масканининг Мижозлари томонидан снегокатлар, пакетлар, матрас ёки сирпаниб тушиши учун бошқа воситалардан фойдаланиш тақиқланади (Курорт берадиган маҳсус жихозлар бундан мустасно).

5.1.4. Баландлиги 1 (бир) дан 2 (икки) метргача бўлган одамларга тюбинг хизматларидан фойдаланишга рухсат берилади. Шу билан бирга, бўйи 130 сантиметрдан кичик бўлган болалар, вояга етган лаёқатли шахс ҳамроҳлигисиз тюбинг хизматларидан фойдаланиш йўл қўйилмайди. 4 ёшгача бўлган болаларга катталар ва болаларнинг тюбинг хизматидан вояга етган лаёқатли шахс ҳамроҳлигисиз фойдаланиш тақиқланади.

5.1.5. 5.1.4-банда кўрсатилган параметрларга жавоб бермайдиган шахсларга ҳамда юрак-қон томир касалликлари бўлган одамлар, ҳомиладор аёллар, алкоголли ичимликлар, гиёхванд моддалар ёки бошқа моддалар таъсири остида бўлганлар, баланд пошнали поябзал ва чанфи ботинкалар кийганлар, кийим / појфазалида, буюмларида, сојбонида ёки рюкзакида ўткир, кесадиган, шишли элементлар бор одамларга ушбу хизматлардан фойдаланиш тақиқланади.

5.1.6. Тюбинг хизматларидан фойдаланишнинг рухсат этилган муддати Курорт жадвали билан белгиланади

5.1.7. Тюбинг хизматларини сотиб олиб, Мижоз ушбу скипассни камидан бир марта ишлатган бўлса хам, тюбинг хизматларидан фойдаланганлик учун тўланган харажат Мижозга қайтарилмаслигига рози бўлади.

### **5.2. Тюбинг хизматидан фойдаланиш қоидалари:**

5.2.1. Тюбинг хизматларидан фойдаланиш учун Мижозга керак бўлади.....:

- Курорт кассасида хизматлар учун тўловларни амалга ошириш ва тюбингта кўтарилиш сони кўрсатилган дастурий-ёзма абонимент олиш;
- тюбинг учун маҳсус мўлжалланган маршрутга кириш жойи олдида ўрнатилган турникетлардан ўтиш (скипасс турникетда кўрсатилган жойига бириктирилади; турникет фақат битта одамнинг ўтишига мўлжалланган);
- Курортнинг маҳсус ходимлари томонидан буйруқни қабул қилиб олгандан сўнг, маҳсус ажратилган трассада, Курорт томонидан тақдим этилган тюбингда тушиш амалга оширилади. Курортнинг маҳсус ходимларидан тушишни бошлаш буйруғини олмасдан, тушишни бошлаш тақиқланади.
- тюбингда учишни тўхтатгандан сўнг, тюбинг асли ҳолатида, курорт ходимларига қайтарилади.
- Ушбу Қоидаларга риоя қилмаганлиги сабабли, ёхуд атайлаб тюбингта шикаст етказса, Мижоз Курортга таъмирлаш учун ёки шунга ўхшаш янги тюбинг сотиб олиш нархини Курорт томонидан тасдиқланган Тарифларда тюбинг хизматидан фойдаланиш кунидан кечиктирмай тўлаши шарт. Курорт томонидан берилган тюбингни, тюбинг учун маҳсус ажратилган трассалардан ташқарига олиб чиқиш мумкин эмас.
- Мижоз тюбингта шикаст етказгандан ёки тюбинг йўқотилган тақдирда, Курорт ходими зарарни (йўқотишни) тасдиқлайдиган далолатномани тузади: а) мижознинг ҳозирлигига унинг имзосини актга киритиб; ёки б) Мижоз йўклигига, акт тузиб унда Мижоз актни имзолашга келмагани ҳакида қайд киритилади. Курорт актда тюбингнинг қолдик баланс қийматини кўрсатади ва Мижоз томонидан шикастланған ёки йўқотилган тюбинг учун қопланиши керак нархини акс эттиради.

### **5.3. Тюбингда тушушга қўйиладиган талаблар:**

5.3.1. Тюбингда учётган Мижоз ўзини хавф остига қўймаслик ва бошқаларга зарар етказмаслик учун харакат қилиши керак.

5.3.2. Тюбингда учиш фақат ўтирган ҳолатда рухсат берилади, тюбингни маҳкам ушлаб турган ҳолда, тушишнинг охирги нуктасига караб тушилади - Мижознинг тюбингдаги бошқа ҳар қандай жойлашиши тақиқланади.

5.3.3. Тушиш пайтида тебраниш, тюбингни ўгириш, маршрут бўйлаб жойлашган нарсаларга / сиртларга ёпишиш, трассага қўл/оёк/бегона нарсаларни чикариб тўхтатиш тақиқланади (ҳаёт ва соғлиқ учун таҳдидни бартараф этиш зарур бўлган ҳолатлар бундан мустасно). Бир вақтнинг ўзида бир қатор тюбингларни бойланган/занжирланган ҳолда тушиши тақиқланади.

5.3.4. Тюбингда тушаётган Мижоз ўзини бошқара оладиган ҳолатда бўлиши керак. Тушиш тезлиги ва усули бошқаларнинг хавфсизлигини ва Мижознинг хавфсизлигини таъминлаши керак, унинг шахсий маҳоратига, қиялиқдаги вазиятга, кор ҳолатига, об-ҳавога мос бўлиши керак. Тюбингда тушаётган Мижоз ҳар доим секинлашиши, тўхташи ёки йўл бера олиши керак.

5.3.5. Қиялиқдан тушаётган одам ҳаракатининг траекториясини шу тарзда танлаши керакки, у пастда тушаётган одамларга хавф түғдирмаслиги керак. Имтиёз қиялиқдан пастроқда ҳаракатланаётган Мижозда бўлади. Юкорида ҳаракат қилаётган одам пастда тушаётган одам учун ҳар қандай маневрлар амалга ошириш учун етарли масофани саклаши керак. Тўқнашув содир бўлгандা, жавобгарлик тюбингда юкоридан тушаётган Мижозга юклатилади.

5.3.6. Тюбингдан тушаётган Мижоз бошқа мижозни қувиб ўтиши мумкин, агар у ўзиб кетмоқчи бўлган Мижоз учун ҳар қандай режаланган ва режаланмаган ҳаракатларни амалга ошириш учун етарли бўш жой колдирган бўлса. Ўзиш давомида қувиб ўтувчи Мижоз, қувиб ўтилаётган Мижозга халақит бермаслик учун жавобгардир. Бу, шунингдек, ҳаракатсиз одамларни ўзиб ўтишга тегишли.

5.3.7. Тюбингда тушаётган ҳар бир Мижоз трассанинг тор ёки кузатиб бўлмайдиган қисмларида тўхтаб қолмаслиги керак. Йиқилган ёки тўхташга мажбур бўлган Мижоз дархол ўрнидан туриб, иложи борича тезроқ юришни давом эттириши керак. Ҳаракатни давом эттиришдан олдин мажбуран тўхтаган тақдирда, Мижоз унга бошқа скейтборднинг яқинлашаётганини ўз вактида пайқашга имкон бериш учун юзини қиялик томон буриши керак. Агар давом эттиришнинг иложи бўлмаса (шикастланиш сабабли), Мижоз иложи борича трасса четига ўтиб олиши (шунингдек, иложи бўлса, ўзи билан тюбингни хам олиб ўтиши) ва имкон қадар тезроқ Курорт Кутқарув хизматига хабар бериши керак.

5.3.8. Тюбингда трассадан ташқарида учиш тақиқланади: маҳсус ажратилган йўллардан ташқарида жойлашган ҳудуд ва йўллар орасидаги қисмлар химоя тузилмалари билан таъминланмаган, белгилар йўқ - жарлиқга тушиб қолиш ва тошлоқ билан тўқнашиш хавфи юқори. Бундай ҳудудларда юрган Мижозлар ўз ҳаётлари ва соғлиғи учун, шунингдек, хавф түғдиришлари мумкин бўлган учинчи шахслар учун тўлиқ жавобгардир.

## **6. ТОҒ-ЧАНГИСИ ТРАССАЛАРИДА ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ**

### **6.1. Бошқаларга хурмат билан муносабатда бўлиш**

Чангичи ёки сноубордчи бошқаларга хавф түғдирмайдиган ва хеч қандай зарар етказмайдиган тарзда ҳаракат қилиши керак. Трассаларда чангичи ёки сноубордсиз бўлиш мумкин эмас - Курорт ходимлари ёки бошқа ваколатли шахслар бундан истисно.

### **6.2. Тоғ-чангиси спортида тезликни бошқариш**

Чангичи ёки сноубордчи ҳаракатланишини ва тезлигини тўлиқ назорат қилиши керак. Ҳар бир спортчи чангичи спортининг тезлиги ва хусусиятларини ўзининг шахсий қобилиятига ва рельеф шароитларига, қиялик ҳолати ва об-ҳавога, шунингдек, қияликдан тушишда ҳаракатланиш интенсивлигига мослаштириши керак.

### **6.3. Маршрутни танлаш**

Қияликдан тушиб келаётган чангичи ёки сноубордчи ҳаракат йўналишини шу тарзда танлаши керакки, у қияликни пастроғида учеб тушаётган чангичи ёки сноубордчига хавф түғдирмаслиги керак. Орқадан учеб келаётган чангичи ёки сноубордчи ҳаракат йўналишини олдинда ҳаракатланётган одамларга хавф түғдирмайдиган тарзда танлаши лозим. Имтиёз қияликдан пастроқда ҳаракатланаётган чангичи ёки сноубордчига бўлади. Юқоридан учеб тушаётганлар пастроқда ҳаракат қилаётганларнинг ҳар қандай манёврларини амалга оширишига етарли бўлган масофани сақлаши керак. Тўқнашув содир бўлганда ҳолларда, жавобгарлик юқоридан тушаётган чангичи ёки сноубордчига юқлатилади.

### **6.4. Quvib o'tish**

Қияликдан тушаётган чангичи ёки сноубордчи пастроқдан учеб тушаётган шахсга етиб олиши, ўнг ёки чап тарафга бурилиб кетиши мумкин, бунда у ўзиб кетмоқчи бўлган чангичи ёки сноубордчи учун ҳар қандай ихтиёрий ва режаланган ҳаракатларини амалга ошириши учун етарли бўш жой қолишини таъминлаши керак.

### **6.5. Трассага чиқиш, манёвр қилиш**

Чангичи ёки сноубордчи трассага чиқганда, қиялика бажариши мумкин бўлган манёврларини атрофдигиларга хавф түғдирмаган ҳолда амалга ошириш имкониятини тўлиқ баҳолагандан кейин ҳаракат қилишни бошлиши керак. Чангичи ёки сноубордчи трассани ўзининг жисмоний қобилиятига ва техник тайёргарлиги даражасига мувофиқ танлаши керак. Қувиб ўтиш ҳаракати ўзиб ўтилаётган чангичи ёки сноубордчи атрофига манёвр қилиш учун етарли жой бўлганда ва ҳаракатнинг бошқа иштирокчиларига халақит бермаган ҳолда амалга оширилади.

### **6.6. Трассада тўхташ**

Чангичи ёки сноубордчи иложи борича трассанинг тор ёки кўриниши чекланган жойларида тўхтамасликлари керак. Бундай жойлардада бехосдан ийқилганда, чангичи ёки сноубордчи трассанинг ушбу қисмини имкон қадар тезроқ тарк этиши керак.

### **6.7. Пиёда кўтарилиш ва тушиш**

Пиёда чиқаётган ёки тушаётган чангичи ёки сноубордчи трассаларнинг чеккасидан юриши керак. Чангичи ёки сноубордчи учиш машғулотлари оралиғида қиялик бўйлаб пиёда чиқиш ёки тушиш учун трассаларнинг чеккасидан ҳаракатланишлари керак. Тўхташдан кейин қияликка ўтаётган ёки ҳаракатни бошламоқчи бўлган чангичи ёки сноубордчи ўзлари ва бошқалар учун хавф түғдирмасдан ҳаракатлана олишлари керак.

### **6.8. Белгиларга амал қилиш**

Дам олиш масканининг барча трассаларида химоя тўрлари ва бошқа тўсиқлар, шартли, огоҳлантирувчи ва тақиқловчи белгилар мавжуд. Чангичи ёки сноубордчи қиялика одоб-аҳлоқ қоидаларига риоя қилиши ва белгиларга асосланган ҳолда ҳаракат қилиши керак. Чангичи ёки сноубордчи огоҳлантириш ва тақиқлаш белгиларининг талабларига, шунингдек, чангичи патрул хизмати кўрсатмаларига риоя қилиши шарт.

### **6.9. Ёрдам**

Баҳтсиз ҳодисалар содир бўлган такдирда, ҳар бир чангичи ёки сноубордчи жароҳат олганларга биринчи ёрдам кўрсатиши шарт.

### **6.10. Аниқлаштириш (идентификация)**

Ҳар бир чангичи, сноубордчи ёки баҳтсиз ҳодиса гувоҳи, айбор бўлиш-бўлмаслигидан қатъи назар, вазиятни аниқлаштириш учун воқеа гувоҳлари / иштирокчилари ва қутқарув хизмати билан алоқа учун маълумотларни ўзаро алмашишлари керак.

6.11. Қоидаларга риоя қилиш мажбурийdir ва дам олиш масканининг чангичи трассаларидаги истиносиз барча ташриф буюрувчилар учун амал қилади.

6.12. Ушбу Қоидаларнинг мақсади трассаларда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва чанғи учиш хавфсизлиги даражасини ошириш, шунингдек, Курорт ҳудудида ташриф буюрувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаштиришади.

6.13. Ташриф буюрувчи Қоидаларни билиши шарт ва қияликларда чанғида/сноубордда учишда уларга қатъий риоя қилиши шарт. Тоғ чанғиси ва сноуборддан ташқари бошқа спорт анжомлари ва ускуналардан фойдаланган ҳолда трассаларда учиш тақиқланади.

6.14. Трассалар ҳудудига кириш картасини сотиб олганда ва трассаларга чиқганда, ташриф буюрувчи куйидагиларни тасдиқлади:

- Қоидалар билан тўлиқ танишиб чиқган ва уларга рози;
- чанғи (сноуборд) спорти билан шуғулланиш учун тиббий чекловларга эга эмас;
- чанғида (сноубордда) хавфсиз учиш бўйича бошланғич кўникмаларга эга ва ушбу спорт турлари билан ўз таваккалчилиги остида шуғулланади;
- чанғи (сноуборд) юқори даражадаги хавф-хатар билан боғлиқлигини тушунади ва ўз баданининг имкониятларини ва унинг жисмоний фаолият шароитларига, об-хаво шароитларига, танланган маршрутнинг мураккаблик даражасига ва умуман чанғи учиш шароитларига мувофиқлигини мустақил равишда баҳолайди.
- Тоғ-chanғи трассаларида учиш бўйича FISning10 қоидасига қатъий риоя қилиш мажбуриятини олади.

6.15 Тоғ чанғиси (сноуборд) билан шуғулланиш даражаси паст бўлган ташриф буюрувчиларга тоғ чанғисида (сноубордда) хавфсиз учиш кўникмаларини шакллантириш учун Курорт инструкторларининг хизматларидан фойдаланиш, шунингдек, биринчи учиб тушиш ҳаракатлари учун энг паст қияликга эга бўлган ва яшил ранг белгисига эга бўлган трассалардан фойдаланиш тавсия этилади.

6.16. Чанғида (сноубордда) хавфсиз учиш кўникмаларини шакллантириш машғулотлари ташриф буюрувчи ушбу хизмат учун белгиланган тарифга мувофиқ равишида Курорт кассасига тўловни амалга оширгандан сўнг Курорт инструкторлари томонидан амалга оширилади. Инструктор билан машғулотлар учун тўловни амалга оширишдан олдин, ташриф буюрувчи Курорт инструкторлари маъмуридан бўш инструктор мавжудлигини аниқлаши ва у билан машғулотлар вактини келишиб олиши лозим. Агар бўш инструктор мавжуд бўлмаса, шунингдек ташриф буюрувчи Курорт қоидаларини бузса ҳамда техник сабабларга кўра ўкув машғулотлар хизматларини кўрсатиш рад этилиши мумкин.

6.17. Курорт инструкторлари маъмури ўз ходимлари орқали Курорт Маъмурияти билан бир қаторда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига тақиқланмаган ҳар кандай усуулда курортга ташриф буюрувчилар томонидан ушбу Қоидалар бузилиши фактларини, шу жумладан, ташриф буюрувчилар томонидан дам олиш маскани ҳудудида тақиқланган фаолият амалга оширилиш фактларини қайд этиш хукуқига эга. Мехмонлар томонидан ушбу Қоидаларнинг бузилиши ҳолатларини бартараф этиш Маъмурият томонидан қонунбузарликларга чек қўйиш ва дам олиш маскани ҳудудида ташриф буюрувчиларга хавфсиз муҳитни таъминлаш мақсадида қоидабузарларга нисбатан ушбу Қоидаларда белгиланган жазо чораларини қўллаш учун амалга оширилади.

6.18. Трассаларда учайдан мөхмон билан боғлиқ кутқарув ишларини бажариш зарурати туғилган ҳолларда, яқинингиздаги Маъмурият ходимига ёки +99895 0032244 телефон рақами орқали Курортнинг тоғ кутқарув хизматига мурожаат қилишингиз лозим.

6.19. Маъмурият Курорт инструктори бўлмаган шахслар хизматидан фойдаланувчи ташриф буюрувчиларнинг мулкига ёки соғлиғига етказилган зарар билан боғлиқ оқибатлар учун жавобгар эмас.

6.20. Maxsus тайёрланган трассалардан ташқаридаги ва улар орасидаги ҳудудлар (кейинги ўринларда Трассалардан ташқаридаги ҳудуд деб юритилади) химоя иншоотлари билан жиҳозланмаган, тегишли белгилар билан таъминланмаган ва кутқарув хизмати бўлинмаси томонидан назорат қилинмайди.

Ташриф буюрувчиларнинг Трассалардан ташқари ҳудудга чиқиши, жумладан фрирайд билан шуғулланиши, maxsus белгиларнинг талабларига амал қиласлиқ ҳолатларида жавобгарлик ташриф буюрувчиларнинг зиммасида тушади. Маъмурият Трассалардан ташқари ҳудудларда ташриф буюрувчиларнинг хавфсизлиги учун жавобгар эмас. Фавқулодда вазият юзага келган ҳолларда, ташриф буюрувчилар куйидаги ҳолатлар бўйича тўлиқ жавобгарликни ўз зиммаларига оладилар:

- ўз соғлиғига ва учинчи шахсларнинг соғлиғига зарар етказилиши;

- ўз мулкига, Курортнинг мулкига ва/ёки учинчи шахслар мулкига зарап етказилиши. Трассалардан ташқари худудларида бўлган ташриф буюрувчига нисбатан қутқарув ишларини бажариш зарурати туғилса, улар Курорт нархлари рўйхатига мувофиқ тўловлар асосда амалга оширилади.
- 6.21. Маъмурият Курорт инструктори хизматини сотиб олган ташриф буюрувчилар учун осма дор йўлларига кириш учун алоҳида турникет (кейинги ўринларда “Г”-турникет деб юритилади) ўрнатиш хуқуқига эга. “Г”-турникет орқали осма дор йўлига кириш хуқуқига эга бўлиш учун ташриф буюрувчи, курорт инструкторининг хизматларини сотиб олишдан олдин, ушбу турникетдан ўтиш хуқуқини кейинчалик электрон рўйхатга киритилиши мақсадида, Курорт инструкторлари хизматларини сотиб олиш жойида амалдаги кириш картасини тақдим этиши керак. Курорт инструкторининг хизматларини сотиб олиш вақтида кириш картасини тақдим этилмаганда “Г”-турникетдан ўтиш хуқуки берилмайди.
- 6.22. Тоғ-чанғи трассаларида ва уларга туташ худудларда сирпанчиклар, трамплинлар ва бошқа шунга ўхшаш обьектларни ясаш тақиқланади.
- 6.23. Алкогол маҳсулотлари, гиёхвандлик воситалари таъсирида ва ўзгача тарзда мастилик холатида трассаларга чиқиш тақиқланади.
- 6.24. Болалар машғулотлар билан тегишли ҳимоя дубулгаларни кийган ҳолда шуғулланиши лозим. Чанғи ва сноубордда учиш даврида/трассаларга чикканда, шикастланиш ҳолатларини олдини олиш учун дубулға ва бошқа ҳимоя воситаларини кийиш тавсия этилади. Чанғи/сноубордда учишни ўрганиш бўйича инструктор машғулотлари давомида барча тоифадаги фуқаролар учун дубулға кийиш мажбурийdir.
- 6.25. Трассалардан ташқари ва улар оралиғидаги худудлар ҳимоя иншоотлари билан жиҳозланмаган, белгилар кўйилмаган - қор кўчкиси хавфи юкори даражада, ёриклар ва қояли жойлар белгиланмаган. Бундай жойларда чанғичилар ва сноубордчилар ўзларининг ҳаёти ва соғлиғи, шунингдек, уларнинг ҳаракатлари оқибатида юзага келиши мумкин бўлган қор кўчкиси хавфи остида қолган учинчи шахсларнинг саломатлиги ва хавфсизлиги учун тўлиқ жавобгардир.
- 6.26. Дам олиш маскани худудида реклама, шу жумладан промоутерлик фаолияти, тижорат ва Курорт хизматларидан шахсий фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа фаолият, шу жумладан Курорт инструктори бўлмаган ва Курорт худудига кириш картасини сотиб олиш орқали кирган шахслар томонидан ташриф буюрувчиларга чанғи ва сноубордда учишни ўргатиш хизматларини кўрсатиш тақиқланади.
- 6.27. Кириш карталари машғулотлар билан шахсан шуғулланиш учун сотилади ва бу даромад келтириш-келтимаслигидан қатби назар, карта эгасига Курорт худудида ўқув, реклама, тижорат ёки бошқа фаолият билан шуғулланиш хуқуқини бермайди. Агар бундай фаолият белгилари аниқланса (систематик тарзда ёки бир марта), Маъмурият қўйидагиларни амалга ошириш хуқуқига эга:
- Коидаларни бузган шахсни, сотиб олинган кириш карталари нархини қайтармаган ва исмини “кора рўйхат”га киритган ҳолда, Курортнинг осма дор йўллари хизматидан фойдаланиш хуқуқидан маҳрум қилиш ва унинг Курорт худудида қолишини рад этиш. Бунда, кириш картасининг амали бекор қилинган пайтдан бошлаб, тегишли шахс барча турдаги кўтаргичлардан фойдаланиш хуқуқидан маҳрум қилинади, фақатгина Курорт худудини тарк этиш мақсадида пастга тушиш учун фойдаланиладиган осма дор йўли бундан мустасно;
- 6.28. Кириш картасини сотиб олганда, ташриф буюрувчи Коидаларнинг ушбу банди билан танишганини ва унга розилигини тасдиқлаган ҳисобланади.

## **7. САҚЛАШ КАМЕРАЛИДА ЯЧЕЙКАЛАРНИ ИЖАРАГА ОЛИШ ҚОИДАЛАРИ**

7.1. Сақлаш хонаси ячейкалари Ижараптарга шахсий истеъмол мақсадларида фойдаланишлари учун ижарага берилади (кийим ва қўл юкларини сақлаш учун). Сақлаш хонаси ячейкаларининг калитларини Ижараптар қабул қилиб олишади ва фойдаланиб бўлғандан сўнг кассага қайтариб беришади.

7.2. Курорт маъмурияти хукуклари:

- ўз хоҳишига кўра, технологик, техник, операцион, ташкилий ва бошқа сабабларга кўра сақлаш камераларини ижарага беришни чеклаш;
- Хавфсизлик мақсадида, ўз кучларидан фойдаланиб, Ижараптар ижарага бериш муддати тугагандан кейин бўш қолдирилган сақлаш камерасининг ячейкаларини очиб, у ерда қолган нарсаларни олиб ташлаш ва хавфсизлик хизматига топшириш.

7.3. Агар Мехмон блокланган ячейканинг рақамли калитини йўқотса, Ижарачи дархол ижара идорасининг кассасига хабар бериши шарт. Бу ҳолда ашёлар, Ижачининг ихтиёрий тарздаги ёзма аризаси асосида, унинг шахсини тасдикловчи хужжатлар ва ашёлар унга тегишли эканлигини тасдикловчи хужжатлар тақдим этилгандан сўнг берилади.

7.4. Ижарага олувчига сақлаш камераси ячейкаси хизматларидан фойдаланиш пайтида қўйидагилар тақиқланади:

- бошқа меҳмонларнинг ашёларини кир қилиши мумкин бўлган ёки зарар етказиши мумкин бўлган нарсаларни сақлаш;
- ҳайвонлар ва кушларни, ўқотар қуролларни, газ қуролларини, бадбўй, тез ёнадиган, заҳарли, тез бузиладиган моддалар ва нарсаларни, ёнувчан, портловчи ва бошқа хавфли моддаларни сақлаш (файерверклар, пиротехника буюмлари ва бошқалар) ;
- ижара ходимларининг талабларига эътибор бермаслик, ходимларга ва бошқа Мехмонларга хурматсизлик ёки қўполлик қўрсатиши.

7.5. Ижараптар, шунингдек, сақлаш камералари хизматларидан фойдаланиш пайтида қўйидагиларни бажаришлари шарт:

- Хизматлардан фойдаланишдан олдин мустақил равишда ва ушбу Қоидалар, шунингдек Курорт м а ъ м у р и я т и н н и г бошқа маълумот материаллари билан танишиб чиқишилари;
- қулуфланадиган ячейканинг рақамли калитларини ёки магнит карталарни эҳтиёт қилиш, уларнинг хавфсизлиги ва яхлитлигини назорат қилиш, уларни учинчи шахсларга топширмаслик;
- уяли телефонни қулфланадиган ячейкага қўйишдан олдин уни овозсиз қўнғирок режимига қўйиш;
- сақлаш камералари хизматларидан фойдаланиш билан боғлиқ барча муаммолар бўйича, скипасслар сотиши идораси ходимига мурожаат қилиш.

7.6. Курорт маъмурияти Ижачининг сақлаш камераларида қолдириган мулкининг бутлиги учун жавобгар эмас.

## **8. ИНВЕНТАР ИЖАРАГА ОЛИШ ҚОИДАЛАРИ**

### **8.1. Умумий қоидалар.**

8.1.1. Қишики ускуналарни (chanги ва сноуборд, тюбинг ва чана, велосипедда, қор автомобили, квадроцикллар) ижарага бериш хизматларини тақдим этишининг ушбу қоидалари (бундан кейин - Қоидалар) ёзги ва қишики ускуналарни ижарага бериш хизматларидан фойдаланувчи барча фуқароларга (Истеъмолчилар, Ташриф буюрувчилар, Мижозларга) кўлланилади.

8.1.2. Ушбу қоидалар ўз ичига олади:

- қишики ускуналарни ижарага бериш хизматларидан (бундан буён матнда хизматлар) самарали ва хавфсиз фойдаланиш шартлари ва қоидалари;
- қишики ускуналарни ижарага бериш хизматларидан фойдаланиш шартлари ва қоидалари.

8.1.3. Қишики ускуналари (бундан буён матнда Инвентар деб аталади) факат Мижозлар томонидан Курортда фойдаланиш учун ижарага берилади.

8.1.4. Мижоз ушбу Қоидаларга риоя қилган холда Курорт иш кунлари ва соатлари жадвалига биноан инвентарларни ижарага бериш хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга (инвентарларни ижарага бериш пунктлари)

8.1.5. Ижарага ишларининг жадвали (режими) Курорт бош директори томонидан белгиланади, Курорт маъмурияти ижарага идорасининг иш вақтида ижарага идораларини очиши ёки ёпиши ёки технологик, техник, об-ҳаво, операцион, ташкилий ва бошқа сабабларга кўра ижарага хизматларини тақдим этишини чеклаш ҳукуқига эга (пудратчининг айби билан бўлмаган асбоб-ускуналар ва дастурий таъминотнинг фавқулодда ҳолатлари, форс-мажор ҳолатлари, тегишли электр энергияси хизматлари вақтинча тўхтатилиши, спорт тадбирлари ва бошқалар)

8.1.6. Ҳар қандай Мижоз қишики ускуналарни ижарага бериш хизматларидан фойдаланиш ҳукуқига эга. Шу билан бирга, 14 ёшгача бўлган болаларга факат катталар ҳамроҳлигига ижарага инвентарлари берилади.

8.1.7. Инвентарни ижарага бериш хизматларидан фойдаланишни истаган ҳар бир Мижоз, бош директор томонидан тасдиқланган Тарифларга мувофиқ ижарага оловчи инвентар нархини ижарага идораси кассасига тўлаши керак. Курорт Тарифларида дам олиш кунлари деганда жума, шанба, якшанба ва байрам кунлари, шунингдек Курорт маъмуриятининг қарорига биноан дам олиш кунлари иш режаси жорий қилинган кунлар (фестиваллар, байрамлар ва спорт тадбирларини ўтказиш ва ҳоказо) тушунилади.

Ижарага олинган ускунадан фойдаланиш учун тўланган вакт (муддат) бошқа кунга ва/ёки бошқа вақтга ўтказилмайди.

8.1.8. Қуйидаги қишики ускуналарни ижарага олиш мумкин.:

- тоғ-чангиси комплекти (тоғ-чангиси, чангни қайишлари и таёқчалар);
- тоғ-чангиси ботинкиси;
- қайишли (крепленили) сноуборд;
- сноуборд учун батинка;
- хавфсизлик дубулғаси (шлем);
- қишики спорт курткаси;
- қишики спорт шарвари;
- велосипед;
- снегоход;
- квадроцикл;
- снегоступлар;
- бошқа керакли инвентар буюмлари.

8.1.9. Инвентарларни ижарага бериш хизматларининг нархини тўлаш ва (ёки) ижарага олиш ускунасидан фойдаланиш тўғридан-тўғри Мижоз ушбу Қоидалар билан тўлиқ танишилигини ва розилигини тасдиқлайди, инвентардан хавфсиз фойдаланиш кўнікмаларига эга, чангни/сноуборд, тюбинг, квадроцикл, снегоход ва велосипедда учишга тиббий қарши кўрсатмалар мавжуд эмаслиги, ва учуш билан боғлиқ ҳар қандай хавфга ўзи жавобгарлигига розилигини тасдиқлайди. Мижоз чангни, тюбинг, тоғ велосипеди спорти билан шугурланиш юқори хавф билан боғлиқлигини тушуниши керак ва танасининг имкониятларини ва унинг жисмоний фаоллик шароитларига, об-ҳаво шароитларига, унинг чангни спорти қобилиятига ва умуман миниш шароитларига мувофиқлигини мустакил равишда баҳолаши керак.

8.1.10. Курорт маъмурияти, ижарага худуднинг қонуний эгаси ва ижарага бериладиган мулкнинг эгаси бўлиб, ушбу Қоидаларни бузган ҳар қандай Мижозга ҳеч қандай тушунтиришларсиз ва

тўланган хизматларнинг қийматини қайтармасдан инвентарни ижарага бериш хизматларидан фойдаланишни рад қилиш хукукини ўзида сақлаб қолади.

## **8.2. Ижара хизматларидан фойдаланиш қоидалари**

8.2.1. Инвентар, Истеъмолчиларга шахсни тасдиқловчи хужжат мавжуд бўлса ва ижара шартномаси имзоланган бўлса, ижарага берилади, бу эса ижара шартномаси шартларини Ижарави томонидан бажарилишини кафолатгайди.

8.2.2. Инвентар учун энг кам ижара муддати - 1 (бир) кун, соат 9:00 дан 17:00 гача

8.2.3. Мижоз тегишли инвентар нархини кассада тўлайди.

8.2.4. Ижарага олинган инвентарларни ижарага бериш фақат маъмур ёки инвентаризация пункти раҳбари томонидан ижара нархи тўланганидан кейин умумий навбатда амалга оширилади.

8.2.5. Инвентар олиш учун Мижоз ўзининг ўлчамларини, бўйи ва размерини ва бошка параметрларни хабардор қилиши керак, шундан сўнг маъмур истеъмолчи учун зарур бўлган инвентарни танлайди.

Агар зарур инвентар мавжуд бўлмаса, Мижозга кассада тўланган инвентар харажатлари қайтарилади.

8.2.6. Мижоз ва ижара маъмурияти ўртасида инвентар танлови муваффақиятли ўтказилгандан сўнг инвентарни ижарага бериш шартномаси тузилади.

8.2.7. Инвентарни олгандан сўнг, Мижоз администратор билан биргалиқда куйидагиларни текшириши керак: ҳақиқатда олинган инвентар ва унинг таркибий қисмлари Истеъмолчининг буюртмасига мувофиқлиги; инвентарнинг ҳар бир элементининг ташқи кўриниши, яхлитлиги ва ишлаши (ташқи зарар, ёрикларнинг йўклиги); инвентаризация қилишда ижара идентификация рақамларининг мавжудлиги ва яхлитлиги. Мижоз инвентарнинг қайроқлигини текширишга ва инвентарни ўзининг дидига ва ишончлилиги ва холати ҳақидаги тассавурларига мувофиқ танлаш хукукига эга. Мижоз инвентарни олгандан кейин, Мижоз томонидан ижара шартномаси бўйича берилган инвентарга бўлган талаблар қабул қилинмайди.

8.2.8. Ижара ускунасидан фойдаланишнинг бошланиши вақтини ҳисоблаш бажарувчи ташкилотнинг дастурий таъминотидан кассага ижара нархини тўлаш ва инвентарни Мижозга топширгандан сўнг автоматик равишда бошланади.

8.2.9. Инвентар Мижоз томонидан ижарага бериш пункти операторига қор ва кирдан тозаланган шаклда ижарага бериш пункти иш вақти тугашидан камида 15 дақиқа олдин топширилиши (қайтарилиши) керак.

8.2.10. Қандай бўлмасин, ижара инвентарни бериш (қайтариш) ижара идорасининг иш вақти тугашидан 1 (bir) соат олдин тугайди.

8.2.11. Инвентарни ижарага бериш хизматларига ҳақ тўлаш Мижозга Курортда бошка хизматлардан навбатдан ташқари фойдаланиш хукукини бермайди. Мижоз бошқа хизматлардан фойдаланишни ушбу Қоидаларга мувофиқ умумий навбатда амалга оширади

8.2.12. Инвентарлардан самарали ва хавфсиз фойдаланиш учун ҳар бир Мижоз ушбу Қоидаларнинг талабларига қатъий риоя қилиши шарт. Ижара инвентаридан фойдаланишда куйидагилар ТАҚИҚЛАНАДИ:

- алкоголь, гиёхванд ёки бошқа токсик заҳарланиш ҳолатида инвентардан фойдаланиш;
- ижара ишчилари, маъмурият ходимлари ва Курорт ходимларининг талабларига эътибор бермаслик, ходимлар ва бошқа Мижозларга нисбатан хурматсизлик ёки қўполлик қўрсатиш;
- ходимлар учун мўлжалланган қўшимча ва ёрдамчи хоналарга кириш ва у ерда бўлиш;
- ижара ускунасидан мақсадга мувофиқ фойдаланмаслик, чунки бу ташқи ва ички нуқсонларнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин;
- мустақил равишида ҳар қандай инвентарни таъмирлаш, уни қисмларга ажратиш;
- ижара инвентари билан худудни тарк этиш;
- ижарага олинган инвентарни яна ижарага бериш, инвентарни бошқа шахсларга бепул фойдаланиш

учун бериш ёки ижарага олиш жойида олинган инвентардан фойдаланиш бўйича хукуқ ва мажбуриятларни бошқа шахсларга ўтказиш.

8.2.13. Мижоз ижара инвентаридан фойдаланиши мобайнида куйидагиларни бажариши шарт:

– Инвентар боғичлари тўлиқ хавфсизликни кафолатламаслигини ёдда тутиши керак. Баъзи бир холатларда, коядан тушаётганда, чанги боғлаш мосламаларининг ечилиб кетиши шикастланишдан химоя қилиши мумкин.

– ижарага олинган инвентаргаларга ғамхўрлик қилиш, унинг хавфсизлигини таъминлаш, қаровсиз қолдирмасдан кузатиб бориш, ускунанинг яхлитлигини назорат қилиш;

- инвентардан фойдаланганда унинг ишлатиш қоидаларига риоя қилиш ва ишлатиш пайтида хавфсизлик қоидаларини бузмаслик. Ижара инвентарини ишлатиш билан боғлиқ барча муаммолар юзасидан ижара идораси операторига мурожаат қилиш;
- инвентарни ижарага олиш жойидан олгандан сўнг, уни ишлатишга халақит берадиган нуқсонларни текшириш, унинг ўлчамларини текшириш;
- ижарага олинган инвентарни, ўзининг берилган холатида ва берилган комплектациясида, ижара идорасининг иш вақти тугашидан 15 дақиқа олдин (17:00 гача) топшириш. Ижара идораси ёпилгандан кейин ёки кейинги кун инвентарни қайтариш бошқа ижара куни сифатида тўланади;
- инвентарда носозлик юзага келган тақдирда - дарҳол бу ҳақда ижара маъмуриятини хабардор қилиш;
- ижарага бериш хизматларининг барча хужжатларини инвентардан фойдаланиш тугагунга қадар ва ижара идораси билан якуний ҳисоб-китоб қилиш пайтига қадар саклаш.
- Курорт худудида ўрнатилган ушбу Қоидаларга ва бошқа мажбурий қоидаларга қатъий риоя қилиш.

8.2.15. Ушбу Қоидаларда белгиланган низомлар бузилган тақдирда, Мижоз бузилиш бартараф этилмагунча ижара хизматларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди, шунингдек, Курорт маъмуриятининг ташаббуси билан тўлов хизматларининг нархини қайтармасдан ижара идорасидан четлаштирилиши мумкин.

8.2.16. Курорт маъмурияти, Мижозга керак бўлган инвентарнинг мавжуд бўлмаганида ёки Мижоз ушбу Қоидаларга риоя килмаган тақдирда ижара идораси унга ижарага бериш хизматларидан фойдаланишни рад этишга ҳақли.

### **8.3. Бошқа қоидалар**

8.3.1. Қайтарилиш вақтида инвентарга зарар етказилган бўлса (Мижоз инвентар олаётганда этиб ўтмаган), фойдаланиш пайтида инвентар йўқолган бўлса, шунингдек инвентар қайтарилимаган тақдирда, Мижоз Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, курорт маъмурияти олдида етказилган заарлар учун тўлиқ жавобгар бўлади.

8.3.2. Атайлаб қилинган, ноконуний хатти-ҳаракатлар учун, ушбу Қоидаларни бузганлик учун, шунингдек ижара пункти ва учинчи шахслар мулкига қасдан зарар етказгани, учинчи шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказганлик учун Ташриф буюрувчилар амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар, яъни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига назарда тутилган етказилган моддий заарнинг қопланиши учун мулкий жавобгарлик, шунингдек мижозларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказганлик учун жавобгарликга тортиладилар.

8.3.3. Шунингдек, Мижозлар ижара хизматларидан фойдаланишлари пайтида қуидагиларга амал қилишлари шарт;

- Хизматлардан фойдаланишдан олдин ушбу Қоидалар билан, шунингдек, [www.amirsoy.com](http://www.amirsoy.com) вебсайтида ва Курортнинг ахборот стендларида мавжуд бўлган бошқа материаллар билан мустакил ва батафсил танишиб чиқиши;
- шикастланишлар ва баҳтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун чанғи, этик ва бошқа жиҳозларни диккат билан, ўлчамга мос шаклда танлаш;

– Курортнинг мулкига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, спорт жиҳозларининг хавфсизлигини назорат қилиш

8.3.4. Ижара хизматларидан фойдаланишда Мижоз ушбу Қоидалар бўйича ва ушбу Қоидаларга мувофиқ хизматларни тақдим этишининг барча масалалари бўйича тушунтириш учун Курорт маъмуриятига (мажмуа ишчи ходимларига) мурожаат қилиши мумкин.

8.3.5. Курорт маъмурияти Ташриф буюрувчининг пулли хизматлардан ўз хохиши (айби) билан фойдаланмаслиги учун (шу билан бирга, бузилган инвентардан қоникмаслик сабабли), Ташриф буюрувчиларнинг кимматбаҳо буюмлари, хужжатлари ва пуллари, шу жумладан уларнинг шахсий спорт анжомлари хавфсизлиги учун, Мижознинг ушбу Қоидаларни бузиши билан боғлиқ оқибатлар учун жавобгар эмас.

Курорт маъмурияти, шунингдек, учинчи шахсларнинг хатти-ҳаракатлари туфайли Мижозга етказилган заарар учун, Мижознинг соғлиғи ҳолати ва ижара ускунасидан фойдаланиш пайтида баҳтсиз ҳодисалар ва ижара ускунасидан фойдаланганда чанғида учиш пайтида юзага келадиган бошқа заарар (жароҳатлар, кўкаришлар ва бошқалар) учун жавобгар бўлмайди.

## **9. ИНСТРУКТОР ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ**

### **9.1. Умумий қоидалар.**

9.1.1. Инструкторларнинг хизматлари Қурортнинг Мижозларига чанғи спорти ва/ёки сноубордда хавфсиз юриш бўйича кўникмалар беришга мўлжалланган.

9.1.2. Мижозларга инструктор хизматлари фақат Қурорт худудида кўрсатилади.

9.1.3. Инструктор хизматларидан тоғ-chanғи спорти (лижа ёки сноуборд) билан шугурланишга тиббий қарши кўрсатмалари йўқ бўлган хар бир Мижоз фойдаланиши мумкин.

9.1.4. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни (шу каторда беш ёшгача бўлганларни) спорт инструкторлари билан машғулотларга қабул қилиш, Қурорт/chanғи академияси маъмуритининг ихтиёрига биноан, болани кузатиб борадиган ота-оналар ёки катталарнинг шахсий жавобгарлиги остида амалга оширилади.

9.1.5. Инструкторларнинг хизматларидан фойдаланишни истаган Қурортинг хар бир Мижози хизматларнинг нархини (инструктор билан дарслар) Қурорт кассасида нақд ёки пул ўтказмаси таризда тўлашлари керак. Машғулот турига (индивидуал, гуруҳда), дарс вактига (1 соатлик ёки ундан кўп) қараб дарсларнинг нархи (инструктор хизматлари) Қурортнинг амалдаги Тарифлари билан белгиланади.

9.1.6. Инструктор хизматларининг нархини тўлаш ва/ёки тўғридан-тўғри инструкторларнинг хизматларидан фойдаланиш, Мижоз ушбу Қоидалар билан тўлиқ таниш эканлиги ва рози эканлиги, чанғи спорти ва/ёки сноуборд билан шугулланиш учун тиббий қарши кўрсатмаларга эга эмаслигини ва инструктор билан машғулотларда қатнашиш хавфини ўз зиммасига олганлигини тасдиқлайди. (Мижоз чанғи (сноуборд) спорти билан шугулланиш, соғликка зарап етказиш хавфи ва жароҳат олиш хавфи билан боғлиқлигини тушуниши керак ва ўзининг танасининг имкониятларига ва бу имкониятлари жисмоний фаолиятга, ундаги мавжуд чанғи кўникмаларига, об-ҳаво шароитига ва учуш шароитларига мос келишига мустақил баҳо бериши керак.)

### **9.2. Инструктор хизматидан фойдаланиш қоидалари:**

9.2.1. Хизматларнинг нархи (инструктор билан дарслар) дам олиш масканида канат йўлларидан фойдаланиш ва инвентарни ижарага олиш харажатларини ўз ичига олмайди. Канат йўлидан ва/ёки ижарага олинган инвентардан фойдаланганлик учун тўлов Мижоз томонидан Қурортнинг амалдаги Тарифларига мувофик алоҳида амалга оширилади.

9.2.2. Инструкторлар хизматлари учун тўлов Мижозга инвентар ижарага олиш/бошқа хизматлардан навбатсиз фойдаланиш хукукини бермайди, Мижоз томонидан навбатсиз инструктор ҳамроҳлигига амалга ошириладиган канат йўлларига киришдан ташқари.

9.2.3. Инструкторларнинг хизматларидан самарали ва хавфсиз фойдаланиш учун хар бир Мижоз ушбу Қоидаларнинг талабларига, шунингдек инструкторларнинг кўрсатмаларига қатъий амал қилиши шарт, шу жумладан, хавфсиз миниш техникаси бўйича дастлабки оғзаки инструктаж олишлари шарт.

9.2.4. Инструктор билан дарсларга пул тўлашдан олдин Мижоз тоғ-chanғиси академияси маъмуридан бўш инструктор мавжудлиги тўғрисида билиб, у билан дарс вактини келишиб олиши шарт.

9.2.5. Қурорт маъмурияти бўш инструктор йўқлиги сабабли Мижозга инструктор хизматларидан фойдаланишни рад этишга ҳақлидир.

9.2.6. Мижозларга инструктор хизматидан фойдаланиш давомида қўйидагилар тақиқланади:

- алкогол, гиёҳванд ёки токсик моддалар таъсирида бўлиш;
- Қурорт кассасида хизматлар учун расман тўламасдан инструкторнинг хизматларидан фойдаланиш;
- пуллик вақтга тўғри келмайдиган вақт давомида инструкторнинг хизматларидан фойдаланиш;
- дарс пайтида инструкторларнинг талабларига эътибор бермаслик, инструкторлар, хизмат кўрсатувчи ходимлар ва дам олиш масканининг бошқа Мижозларига нисбатан хурматсизлик ёки кўполлик кўрсатиш;
- Қурорт инструкторлари ва ходимларининг дам олишлари учун мўлжалланган ишчи ва ёрдамчи хоналарига кириш ва у ерда бўлиши.

9.2.7. Агар Мижоз инструкторнинг хизматларидан тўланган вақтдан қисқа вақт давомида фойдаланган бўлса, хизматларни тақдим этиш учун амалга оширилган тўлов фойдаланилмаган вақт учун қайтарилмайди.

9.2.8. Агар Мижоз дарслар жадвалини вактини тўланган дарслар вақтига нисбатан бузса, Қурорт маъмурияти:

- Мижозга ҳақиқатда кўрсатилган ва амалда тўланган хизматлар қиймати ўртасидаги вужудга келган фарқни қайтариб бермайди
- Мижоздан ҳақиқатда кўрсатилган ва тўланган хизматлар қиймати ўртасидаги ортиқча суммани қўшимча равишда талаб қилишга ҳақли.

9.2.9. Инструктор хизматларини тақдим этиш муддатининг тугаши ҳар қандай ҳолатда Курортнинг ёпиши вақтидан олдин амалга оширилади

9.2.10. Қоидаларнинг ушбу қисмида белгиланган низомлари бузилган тақдирда, Мижозга хизматлардан фойдаланишга рухсат берилмайди, шунингдек, Курорт маъмуриятининг ташабbusи билан бундай Мижоздан, дам олиш масканини пуллик хизматлар қиймати қайтарилмасдан Курорт худудини тарқ этишини талаб қилиши мумкин.

### 9.3. Бошқа қоидалар:

9.3.1. Инструкторнинг хизматларидан фойдаланувчи Мижозларнинг хатти-харакатлари учинчи шахсларга ҳалакит бермаслиги, уларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигига таҳдид солмаслиги ёки бирон бир тарзда уларнинг эркинлигини чеклаши мумкин эмас. Юқоридаги харакатлар учун, Мижозлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига биноан жавобгар бўладилар.

9.3.2. Шунингдек, Мижозлар инструкторларнинг хизматларидан фойдаланишлари мобайнида қўйидагиларни бажаришлари шарт:

- хизматлардан фойдаланишдан олдин Мижозлар ушбу Қоидалар, дам олиш жойида ўзини тутиш қоидалари, тоғ-чанғи трассаларида юриш қоидалари, йўловчиларни канат йўлларида ташиш қоидалари билан шунингдек, Курорт маълумот стендларида ва [www.amirsoy.com](http://www.amirsoy.com) расмий веб-сайтида жойлаштирилган вивеска ва ахборот материаллари билан мустакил ва батафсил танишиб қишишлари шарт;
- ушбу Қоидаларга, тоғ чанғисида юриш қоидаларига, канат йўлларида йўловчилар ўзини тутиш қоидаларига ва дам олиш масканида амалдаги бошқа мажбурий қоидаларга қатъий риоя қилишлари шарт.
- Курорт мулкига ғамхўрлик қилиш, скіпасслар ва спорт жиҳозларининг хавфсизлигини назорат қилиш;
- машғулот давомида инструкторларнинг барча кўрсатмаларига қатъий риоя қилиш;
- **тўланган машғулотлар вақтига мувофиқ дарслар жадвалига риоя қилиш;**
- хизматлардан фойдаланиш тугагунига қадар тўлов тўланганлигини тасдиқловчи хужжатларни сақлаш (касса чеки).

– Мижозлар инструктор хизматларини "кўлдан" ва учинчи томондан сотиб олмасликлари шарт, яни уларнинг хизматлари учун тўлов Курорт кассасига расмий равишда амалга оширилиши керак;

– Инструктор хизматидан фойдаланиш билан боғлиқ барча муаммолар юзасидан, тоғ чанғиси Академиясининг Курорт маъмурига мурожаат қилишлари шарт.

9.4. Ушбу Қоидалар бир гурух шахслар учун хизматларни кўрсатишда, шу жумладан ташкилот ёки якка тартибдаги тадбиркордан жисмоний шахслар учун хизматларга буюртма беришда мажбурийdir.

9.5. Курорт Мижозларнинг соғлиғи ва спорт инструкторлари хизматидан фойдаланиш пайтида юзага келиши мумкин бўлган баҳтсиз ҳодисалар учун жавобгар бўлмайди (chanғida юриш пайтида олинган жароҳатлар, кўкаришлар ва хх). Мижоз чанғи учиш пайтида унинг соғлиғига зарар этиши билан боғлиқ барча оқибатлар ва хавфларни ўз зиммасига олади ва у билан боғлиқ ҳар қандай даъволарни, шу жумладан ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш, мулкий бўлмаган зарар ва бошқа ўйқотишларни тўлаш бўйича даъволардан Курортни озод қилиш мажбуриятини олади.

9.6. Курорт Мижозлар томонидан инструктор хизматларидан, уларнинг нархини Курорт кассасига тўламасдан фойдаланишлари, шунингдек бундай фойдаланиш оқибатлари учун жавобгар бўлмайди.

9.7. Агар меҳмонлар ўзларининг шахсий инструкторлари хизматларидан фойдаланмоқчи бўлсалар, улар ушбу имконият учун Курортнинг белгиланган тарифига мувофиқ инструктор хизматлари тўловини Курорт кассасига тўлайдилар.

## **10. ПУЛЛИК АВТОТУРАРГОҲДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ**

10.1. Ушбу Қоидалар дам олиш масканинг пуллик автотуаргоҳларидан фойдаланиши белгилайди. Ушбу Қоидалар дам олиш масканига Ташриф буюрувчиларнинг барчаси учун мажбурийдир.

10.2. Автотуаргоҳ транспорт воситаларини вақтинча тўхтатиш учун мўлжалланган.

10.3. Автотуаргоҳга рухсат берилмаган транспорт воситаси:

- максимал ўлчамлари автотуаргоҳ кириш жойидаги белгиларда кўрсатилган ўлчамлардан ошиб кетган транспорт воситалари;
- бензин, мой, совутиш суюқлиги, тормоз суюқлиги оқиб кетиши даражасидаги, авария холатидаги транспорт;
- салонида ўз-ўзидан ёниб кетадиган ёки токсик моддалар мавжуд бўлган транспорт;
- давлат рўйхат рақами ёки транспорт воситасини олди-сотди шартномаси бўлмаган транспорт (давлат рўйхати белгиси мавжуд бўлмаган ҳолда).

10.4. Мижознинг автотуаргоҳдан фойдаланиш учун киришда чипта ёки фискал чекини олиши ушбу Қоидаларни у томонидан қабул қилиниши (Курортнинг оммавий оферта акцепти) хисобланади.

Мижоз автотуаргоҳга кириш хукуқидан тўлиқ фойдаланиш-фойдаланмасликдан қатъи назар, автотуаргоҳдан фойдаланиш нархини тўлайди ва қисман ёки тўлиқ фойдаланилмаган хизматнинг тўлови қайтарилмаслигига рози бўлади. Курорт Маъмурияти дам олиш маскани худудида транспорт воситаларининг туришини тақиқлаш хукуқига эга. Бундай ҳолда, Хизматларнинг тўланган қиймати қайтарилмайди. Хизматдан фойдаланиш хукукининг бекор қилинишидан қатъи назар, ташриф буюрувчи транспорт воситасининг Курорт худудида турган давр учун тўловни амалга ошириши шарт.

10.5. Курорт автотуаргоҳлари 24/7 режимида ишлайди.

10.6. Мижоз транспорт воситасини «Amirsoy» Курорти автотуаргоҳи ёки худудидаги исталган бўш жойига қўйиш хукуқига эга эмас. Транспорт воситаларини Курорт маъмурияти томонидан қатъий белгилangan жойларга қўйиш мумкин.

10.7. Мижоз Курорт автотуаргоҳига транспорт воситасини жойлаштириши, сақлаш шартномасини тузганилигини англатмайди. Курорт транспорт воситасининг ва/ёки транспорт воситасида қолган нарсаларнинг йўқолиши (ўғирланиши), шикастланиши ёки яхлитлиги учун жавобгар бўлмайди.

10.8. Мижозларнинг Курорт автотуаргоҳидан фойдаланишдаги мажбуриятлари:

- автотуаргоҳ чиптасини автотуаргоҳни тарк эткунгача сақлаш;
- автотуаргоҳда харакат схемасига риоя қилиш;
- Курорт вакилининг илтимосига биноан транспорт воситасини автотуаргоҳда тўхтаб туриш жойидан бошқа жойга кўчириш;
- Мижоз Курорт вакилининг илтимосига биноан транспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома, транспорт воситасини олди – сотти шартномасини (агар транспорт воситасида давлат рўйхатига олиш белгилари бўлмаса), автоулов эгасининг жавобгарлигини сугурта қилиш полисини бериши ва текшириш учун транспорт воситасининг бағажини очиб бериши керак;
- Автотуаргоҳни ифлос қилиш мумкин эмас;
- транспорт воситасини қатъий белгилangan жойга қўйиш;
- ёнгин содир бўлган такдирда дарҳол операторга ва унинг атрофидаги автоулов эгаларига хабар бериш, оловни қўл остидаги нарсалар билан бартараф қилишга уриниш, шу жумладан (огнетушитель) ёнгин ўчириш мосламасини ишлатиб ва ўт ўчиришнинг иложи бўлмаса, автотуаргоҳни тарк этиш.

10.9. Автотуаргоҳда қуйидагилар тақиқланади:

- Курорт маъмуриятининг розилигисиз ҳар қандай тижорат фаолиятини амалга ошириш;
- йиғилишлар, митинглар, реклама ва маркетинг кампанияларини ташкил этиш, шунингдек, сўровномалар, анкеталаштириш ва маълумот йиғишни бошқа йўлларини Курорт маъмуриятининг розилигисиз амалга ошириш;
- Курорт маъмуриятининг ёзма рухсатисиз плакатлар, афишалар, эълонлар, бошқа реклама ёки ташвиқот материалларини жойлаштириш (ўрнатиш);
- узок вақт давомида кириш ва чиқиш жойларини эгаллаш;
- бензобакнинг қопқоғи очилиб ёнилғи оқиши хавфи мавжуд бўлган транспорт воситаларини автотуаргоҳга қўйиш;

- очик оловни ёруғлик манбаи қилиш ва двигателни иситиш учун фойдаланиш;
- транспорт воситасида соатига 5 км дан юқори бўлмаган тезликда харакат қилиш;
- транспорт воситасини чорпояга ва тагликка қўйиш;
- мотор ёнилғисини қўшимча идишлар ичида сақлаш, транспорт воситаларининг идишларидан ташқари;
- давлат рўйхатга олиш рақамларини ёпиш;
- ремонт ишларини олиб бориш;
- чекиш, алкогол ичимликлар ичиш, машиналар жойини овқат пишириш жойи сифатида ишлатиш ва бошқалар;
- юзада из қолдириб, тўхтаб туриш жойидан кескин хайдаб кетиш;
- транспорт воситаларини ювиш;
- транспорт воситасини бур кундан кўпроқ муддатта қолдириш. Агар автомобил автотураргоҳда эгаси бўлмаган ҳолда топилса, Курорт маъмурияти транспорт воситасини автотураргоҳдан эвакуация қилиш хукукини сақлаб қолади.

10.10. Автотураргоҳдан фойдаланганлик учун тўлов тасдиқланган Тарифларга мувофиқ амалга оширилади. Тўлов Мизозга берилган фискал хужжат билан автотураргоҳга киришдан олдин амалга оширилади

10.11. Дам олиш масканининг автотураргоҳларидан имтиёзли шартларда фойдаланишлари мумкин бўлган шахслар рўйхати, бундай тўхташ жойлари рўйхати, имтиёзли фойдаланиш тартиби, Курорт маъмуриятининг буйруғи билан белгиланади.

## **11. ЯХМАЛАК МАЙДОНЧАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ**

Ушбу қоидалар яхмалак майдонида тартиб ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Яхмалак майдончаси ташриф буюрувчилар ва меҳмонларнинг дам олиши ва ҳордик чиқариши учун мўлжалланган. Оммавий конкида учиш жараёнида хоккей ўйинларини ўтказиш қатъиян ТАҚИҚЛАНАДИ!

11.1. Ҳар бир ташриф буюрувчи яхмалак майдончаси хизматларидан “Amirsoy” МЧЖ ҚҚ маъмурияти томонидан тасдиқланган иш тартибига мувофиқ фойдаланиш хукукига эга.

11.2. Яхмалак майдончасининг мулкига етказилган зарар учун курорт маъмурияти ишдан чиқсан мулкнинг тўлиқ қийматини қоплашни талаб қилишга ҳакли.

11.3. Яхмалак майдончасида ташриф буюрувчиларнинг сони қўпайиб кетган ҳолларда, Курорт маъмурияти майдончага киришни вактинча тўхтатиб қўйишга ҳакли.

11.4. Ҳар бир ташриф буюрувчи ўзи ва боласи учун жисмоний ҳолати, соғлиғи ва конкида учиш қобилиятидан келиб чиқсан ҳолда яхмалак майдонидан фойдаланиш имкониятларини мустақил равиша белгилайди.

11.5. 7 ёшгача бўлган болаларга яхмалак майдончасида учишга факат конкидаги катталар ҳамроҳлигида рухсат берилади. Катталар ҳеч қандай ҳолатда болаларини яхмалак майдончасида қаровсиз колдирмасликлари керак. Шунга асосланиб, катталар яхмалак майдончасига умумий тартибига биноан киришлари ва болага ҳамроҳлик қилишлари мумкин.

11.6. Курорт Маъмурияти яхмалак майдончасига ташриф буюрувчиларнинг соғлиғи, яхмалак майдончасида содир бўлган баҳтсиз ҳодисалар ва жароҳатлар учун жавобгар эмас. Яхмалак майдончасига ташриф буюрувчилар бошқа ташриф буюрувчиларга етказган ҳар қандай зарар учун шахсан жавобгардирлар.

11.7. Огоҳлантириш сигнални берилганда, ташриф буюрувчилар техник танаффус (яхмалак юзасини силлиқлаш) учун яхмалак майдончасини тарк этишлари керак.

11.8. Муз майдончаси ҳудудига ичимликлар, озиқ-овқат ёки пакетларга солинган маҳсулотлар олиб киришга рухсат берилмайди.

11.9. Оммавий конкида учиш жараёнида яхмалак майдончасида хоккей ўйнаш қатъиян ТАҚИҚЛАНАДИ.

**11.10. АЛКОГОЛ ЁКИ ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ТАЪСИРИДАГИ МАСТЛИК ҲОЛАТДА ЯХМАЛАК МАЙДОНИДА БЎЛИШ ҚАТЪИЯН ТАЪҚИҚЛАНАДИ! ЯХМАЛАК МАЙДОНИ ҲУДУДИДА ЧЕКИШ ТАҚИҚЛАНАДИ!**

11.11. Яхга конки ёки бошқа буюмлар билан зарба бериш ёки уни кавлаш, майдонча атрофидаги тўсикларни конки билан тепиши ёки яхмалак устига нарсаларни ташлаш, суюкликларни тўкиши ёки ҳар қандай моддаларни сепиши, майдончада портловчи ёки тез ёнувчи моддаларни (шу жумладан пиротехника маҳсулотларини) ишлатиш, яхмалакни силлиқлаш ишлари олиб борилаётганда майдончада бўлиш ТАҚИҚЛАНАДИ. Оммавий конкида учиш жараёнида яхмалак майдончасига конкисиз кириш ТАҚИҚЛАНАДИ.

11.12. ЯХМАЛАК МАЙДОНЧАСИДА ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ БУЗИЛГАН тақдирда Курорт маъмурияти тегишли ташриф буюрувчидан яхмалак майдончасини зудлик билан тарк этишни талаб қилишга ҳакли. Конкида учувчининг хатти-харакати учинчи шахсларга халақит бермаслиги, уларнинг ҳаёти, соғлиғи хавфсизлигига таҳдид солмаслиги ёки ҳеч қандай шаклда уларнинг эркинлигини чекламаслиги керак.

11.13. Яхмалак майдончасига ташриф буюрувчилар барча хавфсизлик қоидаларига риоя қилишлари ва эҳтиёткорлик билан конкида учишлари керак.

11.14. Хавфсизлик нуқтаи назаридан, конкида харакатланиш қатъий равиша соат миллари йўналишига тескари тарзда амалга оширилади.

11.15. Юқори тезлиқда учиш ТАҚИҚЛАНАДИ. Агар конкида учиш пайтида шикастлансангиз, зарурат бўлса, яхмалак майдончасининг маъмурига мурожаат этиб, тиббий ёрдам сўрашингиз мумкин.

### **11.16. Ташриф буюрувчилар қўйидагиларга амал қилишлари шарт:**

- Яхмалак майдончасига факат маъмурнинг кўрсатма ва рухсатига биноан кириш ва чиқиш.
- Атрофдаги конкида учувчиларга, оммавий конкида учиш жараёнларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш учун масъул бўлган маъмурият вакиллари ва мансабдор шахсларга нисбатан ҳурматли муносабатда бўлиш.
- Экстремал (фавқулодда) вазиятларни юзага келтириши мумкин бўлган харакатларга йўл кўймаслик.
- Яхмалак майдончасига кириш ва чиқиш жараёнларида тартибли ҳаракатланиш.

- Яхмалак майдончаси ходимларининг огоҳлантиришларига эътиборли бўлиш ва талабларига риоя килиш.
- Яхмалак майдончасининг мулкидан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш, конки кийганда фақат маҳсус резина йўллардан юриш.
- Яхмалак майдонига ташриф буюрувчи болалар ва учишни ҳали яхши ўзлаштиргаган катталар химоя воситалари – дубулгалар ҳамда тирсак ва тизза ёстиқларидан фойдаланишлари шарт.

#### **11.17. Ташриф буюрувчиларга қуидагилар тақиқланади:**

- Яхмалак майдончасига пойабзалда кириш.
- Яхмалак майдончаси атрофидаги тўсиқлар устига ўтириш.
- Кўлда бола кўтариб яхмалак майдончасига чиқиш.
- Эркин ёлланган инструкторларни жалб қилган холда жамоавий ёки индивидуал машғулотлар ўтказиш.
- Мураккаб фигурали учиш элементларини бажариш.
- Оммавий конкида учиш жараёнлари давомида ташриф буюрувчилар учун мўлжалланган жойлардан ташқарида, шу жумладан технологик (хизмат) ўтиш жойларида (биноларда) бўлиш.
- Яхмалак устига турли хил нарсаларни ташлаш.
- Яхмалак майдончасида хавфли вазиятларни яратиш (сакраш, туртиш, паровоз каби бир бирига уланиб ёки белгиланган ҳаракат йўналишига тескари ҳаракат қилиш, хоккей, кувламачоқ, эстафета ва бошқа шу каби, яхмалак майдончасига ташриф буюрувчиларнинг қулай ва хавфсиз ҳордик чиқришига халақит берувчи ўйинар ўйнаш, шунингдек, хоккей таёғи ва узун бўлган буюмлар билан учиш).
- Ёритиш ва сигнал ракеталари, пиротехника воситаларидан фойдаланиш.
- Конкида (ижарага олинган) яхмалак майдончасидан ташқарига чиқиши.

11.18. Мижозлар яхмалак майдончасида ўзларига ва атрофдагиларга нисбатан хушмуомала бўлишлари керак.

11.19. Яхмалак майдончаси маъмурияти учиш майдончаси худудида хавфсизлик ва қулайлик даражасининг пасайишига, шунингдек, бошқа ташриф буюрувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини чекланишига сабабчи шахс деб ҳисоблаш учун асосларга эга бўлганда, ушбу шахсни яхмалак майдочасида қабул қилишни рад этишга ҳақли.

11.20. Мижоз шкаф ва конки қутиси рақами белгиланган карточкаларни йўқолиши ёки шикастланиши учун жавобгардир.

11.21. Дам олиш маскани маъмурияти ушбу қоидаларни бузиш натижасида юзага келган баҳтсиз ҳодисалар ва жароҳатлар учун жавобгар эмас.

## 12. КУРОРТНИНГ СУВ ҲАВЗАЛАРИ ҲУДУДИДА ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ

12.1. Дам олиш маскани меҳмонларнинг сув ҳавзаларига ташрифидан хурсанд бўлади ва уларнинг сув ҳавзасида мароқли ва фойдали дам олишини ташкил қилиш учун имкон қадар барча зарур чораларни кўради. Шу билан бирга, меҳмонларнинг шахсий ҳавфсизлиги ва қулайлиги учун улар куйидаги қоидаларга риоя қилишлари кераклигини эслатиб ўтамиш:

12.2. Шале-уйлард яшайдиган меҳмонлар сув ҳавзасига бепул киришлари мумкин.

12.3. Агар тиббий чекловлар бўлса ёки ўзини ёмон, толикқан ҳис қилса, ушбу меҳмонга сув ҳавзасида бўлиш тавсия этилмайди. Бундай ҳолда қарорни меҳмоннинг ўзи қабул қилиши мумкин, лекин бунинг оқибатларига курорт маъмурияти жавобгар бўлмайди.

12.4. Ҳавзага ташриф буюриш соатлари 08:00 дан 20:00 гача. Қолган вактда сувни кимёвий тозалаш ишлари амалга оширилади, бундай сувда сизнинг сузиш кийимингиз шикастланиши мумкин!

12.5. Сув ҳавзвсининг ичида бир вактнинг ўзида \_\_\_\_\_ дан ортиқ одам бўлиши мумкин эмас.

12.6. Сув ҳавзасига ташриф буюриш учун сизда ичкарида кийиш учун алоҳида оёқ киймингиз ва сузиш кийими (ички кийим сузиш кийими ҳисобланмайди) бўлиши шарт - акс ҳолда киришга рухсат берилмайди.

12.7. 14 ёшгача бўлган болалар сув ҳавзаси ҳудудида факат ҳамроҳлик қилувчи шахс билан бирга бўлишлари мумкин. Ҳар бир ҳамроҳлик қилувчи шахс кўпидаги 2 нафар болага ҳамароҳлик қилиши мумкин. Болалар учун жавобгарлик улар билан бирга бўлган шахслар (ота-оналар, ишончли вакиллар) зиммасига тушади.

12.8. 4 ёшгача бўлган болаларнинг катталар ҳамроҳлигисиз, қутқарув нимчаси ва қўлга тақиладиган ҳавфсизлик ҳалқаларисиз сув ҳавзасида сузиш тақиқланади! 2,5 ёшгача бўлган болалар ҳавзага факат сув ўтказмайдиган иштонда (тагликда) тушиши мумкин.

12.9. Болаларни ўз крамоғига олган шахслар, болаларнинг ҳавфсизлиги ҳамада улар томонидан етказилган зарап учун жавобгардирлар.

12.10. Шахсий ҳавфсизлигингиз учун ҳавзада бўлганингизда кўзойнак ёки заргарлик буюмларни тақманг. Бундан ташқари, Курорт маъмурияти ҳавза якинида қолдирилган қимматбаҳо ва заргарлик буюмларининг ҳавфсизлиги учун жавобгар эмаслигини доимо эсда тутинг.

12.11. Курорт маъмурияти сув ҳавзаси ва душдан фойдаланиш қоидаларига риоя қилмаслик натижасида юзага келган шикастланишлар ва етказилган зараплар учун жавобгар эмас. Ҳар бир мижоз сув ҳавзаси ёки душ хизматларидан фойдаланиш жараёнида ўзининг саломатлик ҳолатига шахсан жавобгардир.

12.12. Бадандаги енгил шилиниш ва жароҳатларга антибактериал восита билан ишлов бериб, сув ўтказмайдиган тиббий тасма ёпиштириб қўйиш тавсия этилади.

12.13. Ҳавзага ташриф буюрувчилар жамоат тартибини ва умумий қабул қилингандан одоб-ахлоқ нормаларига риоя қилишлари ва уларни қўллаб-кувватлашлари, бошқа ташриф буюрувчилар ва хизмат кўрсатувчи ходимларга хурмат билан муносабатда бўлишлари, бошқаларга ҳавф туғдирадиган харакатларнинг олдини олишлари лозим. Агар ташриф буюрувчининг ихтиёрий ёки ноиҳтиёрий харакатлари (хулқ-атвори) ўзининг ҳамда атрофдагиларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солса ёки умумий қабул қилингандан одоб-ахлоқ нормаларига зид бўлса, курорт ходимлари ушбу шахсларга нисбатан ҳавзага ташрифни чеклаш, шунингдек бошқа хизматлар кўрсатишни рад этиш, сув ҳавзаси ва Курорт ҳудудини тарқ этишини талаб қилиш ёки ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини чакириш каби чоралар кўришга ҳақлидир.

12.14. Спиртли ичимликлар таъсири остидаги ташриф буюрувчиларнинг сувга тушишига рухсат берилмайди. Бассейнга ташриф буюрувчидаги алкоголь ёки гиёхвандлик воситаларидан мастилик алломатлари борлигига гумон қилинса, Курорт маъмурияти ушбу шахсларга нисбатан сузишни тақиқлаш ва сув ҳавзаси ҳудудини тарқ этишини талаб қилиш ёки ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини чакириш каби чоралар кўришга ҳақли.

12.15. Ташриф буюрувчи ўзи билан қуидагиларни олиб келиши шарт:

- ҳавза атрофидаги резина ва ёғоч қопламали майдонда кийиш учун алоҳида оёқ кийим;
- сузиш кийими;
- гигиена воситалари.

12.16. КУРОРТНИНГ СУВ ҲАВЗАСИДА ҚУЙИДАГИ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАР ТАҚИҚЛАНАДИ:

- ҳавзани тозалаш жараёнида сувга кириш;
- ҳавза ускуналарини, душ ва кийим алмаштириш хоналарида жиҳозларни ишдан чиқарив қўйиш;
- болаларни ота-оналарининг назоратисиз сувда бўлиши;

- сувга сакраб тушиш;
- сув ичига/чукурликка шўнгиш, нафасни ушлаб туриш билан боғлиқ ҳар қандай машқларни бажариш;
- ўз ташаббуси билан бошқа ташриф буюрувчиларга, жумладан, болаларга сузишни ўргатиш;
- маст ҳолатида, гиёхванд моддалар таъсирида остида бўлиш, чекиш;
- ҳавзанинг четида туртиниш, югуриш, у ердан сувга сакраш, соҳта халокат сигналларини бериш;
- сақич чайнаш;
- ҳавза худудига синувчи буюмларни олиб ўтиш;
- ўзи билан ичимлик ва озиқ-овқат маҳсулотларини олиб келиш;
- маҳсус ажратилган жойлардан ташқарида озиқ-овқат ва ичимликлар истеъмол қилиш. Ҳавза сувида мева, сабзавотлар ва ҳоказоларни ювиш;
- ҳавза сувига нарсаларни ташлаш, тупуриш, суюқликлар қуиши;
- тиббий чекловларга эга бўлган шахслар учун (юқумли тери касалликлари, очик яралар, нафас олишда қийналиш, вестибуляр бузилишлар ва бошқалар) сув ҳавзасида бўлиш;
- устки кийим ва пойабзалда бўлиш;
- душхонада тиббий, косметика ва ўсимлик воситаларидан фойдаланиш;
- ҳар қандай ҳайвон ва қушларни олиб кириш;
- ҳавзага ўқотар ва тифли совук қуроллар, ўткир кесувчи жисмлар, шунингдек портловчи ва тез ёнувчи моддаларни олиб кириш;
- момақалдироқ пайтида ҳавзадан фойдаланиш;
- ўзини ахлоқсиз тутиш, интим муносабатларга кириш.

12.17. Агар ушбу қоидаларга риоя қилинmasa, Курорт маъмурияти ташриф буюрувчига сув ҳавзаси худудидан фойдаланишга оид хизмат кўрсатишни рад этишга ҳақли.

12.18. Ушбу Қоидалар барча сув ҳавзасига ташриф буюрувчилар учун мажбурийдир.

12.19. Курорт маъмурияти қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- нокулай об-ҳаво шароитида сув ҳавзасини ёпиш;
- сабабини тушунтиրмасдан, хизмат кўрсатишни рад этиш орқали меҳмоннинг сув ҳавзасида бўлишини мустакил равишда чеклаш.

12.20. ҲАР БИР ТАШРИФ БУЮРУВЧИ СУВ ҲАВЗАСИ ҲУДУДИГА КИРГАНИДА, У СУВ ҲАВЗАСИДАН ФОЙДАЛАНИШГА ОИД ИЧКИ ҚОИДАЛАР БИЛАН ТАНИШИБ ЧИҚҚАНИНИ ВА УЛАРГА СЎЗСИЗ РИОЯ ЭТИШИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТАСДИҚЛАЙДИ.

12.21. ҲАВЗАГА ТАШРИФ БУЮРИШ ДАВРИДА МЕҲМОНЛАР ЎЗЛАРИНИНГ САЛОМАТЛИК ҲОЛАТЛАРИ УЧУН ШАХСАН ЖАВОБГАРДИРЛАР.

### **13. "Uzbekistan Helicopter" МЧЖ ҳаво кемасининг (ХК) йўловчилари ва ижарага олувчи шахслар учун хавфсизлик қоидалари**

13.1. Ташиладиган йўловчилар сони ўриндиклар сонидан ошмаслиги керак. Парвоз бошланишидан олдин ва парвоз давомида барча йўловчилар ўриндиқдаги хавфсизлик камарларини тақиб олган бўлишлари керак. Юкларнинг силжишини олдини олиш учун жойларига маҳкамланган бўлиши керак, кириш эшикларига олиб борадиган йўлаклар доимо бўш бўлиши керак, юк ва бошқа жисмлар билан тўсилмаган бўлиши керак.

13.2. Бортга чикиш жараёнида йўловчиларга куйидаг хатти-харакатлар тақиқланади:

- кескин харакатлар килиш, сакраш, қўлларни силкитиш ва ҳоказо;
- ҳаво кемасининг айланувчи винтидан шикастланмаслик ва ҳатто оғир вазни (120 кг гача) одамни парраклар остига тортиб кетиши мумкин бўлган ҳаво окими зонасига тушмаслик учун самолёттинг думига яқинлашиш;
- кўниш ҳудудида ахлат - пластик ва қофоз қадоклари, пакетлар ва бошқаларни ташлаш, агар улар двигател турбинасига тушиб қолса ёки винт парраларига ёпишиб қолса авария ҳолатларини юзага келтириши мумкин;
- алкогол ёки гиёхванд моддалар таъсири остида бортга чикиш – бу тегишли шахснинг ҳамда бошқа йўловчилар ва учувчининг соглиги ва ҳаётига хавф солиши мумкин.

13.3. Парвоз давомида куйидагиларга йўл қўйилмайди:

- бортда чекиш;
- газ ёндириғчилари ва бошқа очик оловли мосламалардан фойдаланиш – чунки том маънода йўловчи кабинаси деворининг орқасида жойлашган ёқилғи бакларида ёнғин келиб чикиши хавфи жуда юқори бўлади;
- ҳаво кемаси салонида юриш ва айникса сакраш ва учиш аппаратининг оғирлик марказининг силжишига олиб келадиган бошқа ҳаракатларни бажариш: биринчидан, бу учувчи учун вертолётни бошқаришда кўшимча муаммоларни келтириб чиқаради, кабина мувозанати ўзгарганида, сиз йиқилиб, жароҳат олишингиз мумкин;
- учувчини бошқарувдан чалғитадиган ҳар қандай ҳаракатларни бажариш – у билан гаплашиш, саволлар бериш, кабинани суратга олиш, учувчидан суратга тушишни сўраш ва ҳ.к.;
- бортда алкоголли ичимликлар ичиш ва гиёхванд моддаларни истеъмол қилиш.

13.4. Бортда оқилона, адекват хатти-харакатлар килиш ва ўз-ўзини назорат кила билиш муваффакиятли парвознинг энг яхши кафолатидир.

13.5. Вертолёт қўнаётганида хавфсизлик қоидалари

- Вертолёт қўниш майдончасига қўнгандан сўнг, хеч қандай ҳолатда экипажнинг рухсатисиз кабинадан чиқиб кетмаслик керак. Учувчи биринчи бўлиб ташқарига чиқиб, йўловчиларнинг чикиши учун хавфсиз мухит эканлигига ишонч ҳосил қилиши керак. Шундан кейингина йўловчилар бортни осойишта тарқ этишлари мумкин.
- ҲКни кутиб олишга чиқсан шахслар винтларнинг тўлиқ тўхтагандан сўнг, экипаж аъзосининг кўрсатмасига биноан унинг ёнига келишлари мумкин.
- ҲКнинг двигателлари ишлаётган вақтда йўловчиларни туширишда экипаж аъзоси уларнинг ҳаракатланиш тартиби ва йўналишини кўрсатиши лозим. Бундай жараёнда вертолёттинг думи балкаси атрофида бўлиш қатъиян ман этилади.

13.6. Вертолётни ижарага олган йўловчиларни кўрсатмалар билан таништириш ва уларнинг ҳаракатлари учун жавобгарлик "Мижоз" вакили (гурух раҳбари) зиммасига юкланди.

13.7. Ушбу қоидалар талабларини бузган шахслар амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

#### **Парвозга оид маълумотлар**

Амирсой дengiz сатҳидан 1700 м баландликда жойлашган, парвоз 1500 м дан 3600 м гача баландликда амалга оширилади, барча ҳолларда парвоз қилинаётган худуд устида хавфсиз баландлик сақланади. Парвоз соатига 120 дан 150 км гача тезлиқда бажарилади - бу йўловчиларнинг манзара кузатиши учун энг кулай тезлиkdir.

#### **Вертолётга оид маълумот**

Airbus H125 вертолёти - хавфсиз ва паст шовқинли ҳаво кемаси.

Бу йўловчи ташишга мўлжалланган вертолёт бўлиб, ундан фақат кундузи ва яхши об-ҳаво шароитида фойдаланилади (музлаш ва ёнгинарчилик шароитида парвозлар бажарилмайди).

4 йўловчини ташиш учун мўлжалланган. Крейсер тезлиги 260 км/соат.

Парвоз давомийлиги 4 соат 30 минут. Парвоз масофаси 630 км.

## **14. “Le Chalet by Amirsoy” шале-үйларини буюртма қилиш ва меҳмонларни жойлаштириш коидалари**

### **Буюртма қилиш**

- 14.1. Меҳмонхона хизматларини буюртма қилиш Мижознинг сўровига биноан амалга оширилади. Буюртмада сўралаётган хизматларнинг ҳажми ва мазмuni, меҳмонларнинг аниқ рўйхати, уларнинг тўлиқ исм-шарифи, катталар ва болалар сони, хар бир буюртма бўйича аниқ келиш ва жўнаш саналари ҳакида маълумот тақдим этилиши керак.
- 14.2. Мижоз буюртма учун сўровини, аввал қилинган буюртмани бекор қилиш ҳолларида эса бекор қилиш сўровини, [reservations@amirsoy.com](mailto:reservations@amirsoy.com) ва [sales@amirsoy.com](mailto:sales@amirsoy.com) электрон почта манзиллари ёки Telegram ёки WhatsApp мессенжерлари орқали юборишлари мумкин.
- 14.3. Буюртма қилиш, унга ўзгаришлар киритиш ёки бекор қилиш телефон орқали бажарилмайди.
- 14.4. Сўралган хизматларнинг нархини 100% олдиндан тўланиши буюртманинг кафолати хисобланади.
- 14.5. Олдиндан тўлов билан буюртма қилиш деганда, барча сўралган хизматларнинг тўлиқ тўловини буюртма тасдиқланганидан кейин 24 соат ичida тўланишини ёки меҳмонларни келиш куни қилинган буюртмалар учун уларни меҳмонхонага жойлаштиришдан олдин тўланишини тушуниш лозим.
- 14.6. Меҳмоннинг белгиланган вақтгача келмаслиги ёки жойлашишга рўйхатдан ўтишга 24 соатдан камроқ вақт қолганда буюртмани бекор қилган ҳолларда, Курорт олдиндан тўланган тўловнинг 100% миқдорида жарима солади.
- 24 соатдан камроқ вақт қолганда буюртма бекор қилинса, унда кўрсатилган бутун яшаш давр тўловини буюртма тасдиғида кўрсатилган тарифлага мувофиқ ундирилади.
- 14.7. Дам олиш маскани форс-мажор ҳолатларида (кутилмаган ҳолатлар ёки сиёсий инкиrozлар, урушлар, иш ташлашлар, табиий оғатлар, хужумлар ва ҳ.к. каби олдини олиб бўлмайдиган ҳодисалар) Меҳмоннинг келишига тўқинлик килувчи ёки келиши факат ҳаёт ва соғликка таҳдид соладиган вазиятда ўтиши мумкин бўлган ёки саёҳат қилиши муқаррар тўсиқлар билан боғлиқ бўлган шароит ҳолатларида буюртмани бепул бекор қилиши мумкин.
- Буюртма ўз вақтида бекор қилинганда ёки форс-мажор ҳолатлари қўлланиладиган ҳолларда, Курорт меҳмононада яшаш даврини жойлар мавжуд бўлган кечрок муддатта кўчиришни таклиф келиши мумкин, бироқ байрам ва дам олиш кунлари бундан мустасно.

### **Жойлашиш ва кетиши**

- 14.8. Жойлашиш учун рўйхатдан ўтиш вақти - 15.00.
- 14.9. Эрта рўйхатдан ўтганларни эрта жойлаштириши факат бунга имконият мавжуд бўлган ҳолларда таъминланиши мумкин.
- 14.10. Буюртма қилинган ҳар қандай турар жой Меҳмоннинг режалаштирилган жойлашиш кунидан кейинги кун маҳаллий вақт билан соат 7:00 га қадар сақланада ва шу вақт мобайнида Меҳмонга кеч рўйхатдан ўтилган ҳол сифатида тақдим этилиши мумкин.
- 14.11. Кеч рўйхатдан ўтиш ҳолларда турар жой учун тўлиқ тўлов миқдори ундирилади.
- 14.12. Агар меҳмон режалаштирилган жойлашиш кунидан кейинги кун маҳаллий вақт билан соат 7:00 дан кейин келмаса, Курорт Меҳмонга тўловининг 100 фоизи миқдорида жарима солишга ҳақли.
- 14.13. Кетиш вақти - 12:00.
- Кечрок кетиш имконияти кафолатланмайди ва Курорт томонидан олдиндан тасдиқланishi керак.
- 14.14. Агар Меҳмоннинг кетиши тасдиқланган буюртмада кўрсатилган санадан олдин содир бўладиган бўлса, шале-уйнинг бекор туриб қолмаслиги учун Меҳмон маъмуриятни олдиндан хабардор қилиши керак. Бундай холда, фойдаланилмаган хизмат нархи Меҳмонга қайтарилмайди, лекин фойдаланилмаган турар жой кунлари имкониятини кейинчалик қўллаш учун ваучер берилади.

### **Шале-үйларининг максимал сифими**

- 14.15. “Deluxe” шале-уйнинг максимал сифими тўрт нафар киши ва бир нафар 4 ёшгача бўлган бола, “Suite” ва “Presidential” шале-ўйларида саккиз нафар киши ва бир нафар 4 ёшгача бўлган бола, “Superior” шале-ўйида олти нафар киши ва бир нафар 4 ёшгача бўлган бола.
- 4 ёшдан 12 ёшгача бўлган болани жойлаштириш нархи маъмурият томонидан тасдиқланган тарифларга мувофиқ белгиланади.
- 14.16. Дам олиш маскани максимал бандликдан ортиқ бўлган ва рўйхатдан ўтказилмаган меҳмонларга турар жой таъминлашни рад этиш хукукини ўзида саклаб қолади, ва ҳар бир кўшимча меҳмон учун тасдиқланган тарифлар асосида қўшимча тўлов ундирилади.

### **"Le Chalet by Amirsoy" мөхмөнхонасида мөхмөнларни жойлаштириш қоидалари**

- 14.17. Мөхмөнхона мөхмөнларни вақтингчалик яаш учун шале-үйлари билан таъминлайди.
- 14.18. Ҳар бир шале-үй телевизор, музлатгич, кондиционер, телефон, интернет (WIFI) билан жиҳозланган.
- 14.19. Мөхмөнхона 24/7 тартибда ишлайди.
- 14.20. Мөхмөнхонага жойлаштириш хизматлари бўйича кўлланиладиган тарифлар ҳақидаги маълумотлар <https://www.amirsoy.com/ru/accomodation> веб-сайтида, ижтимоий тармоқларда, савдо оғисларида келтирилган ва шу билан бирга мазкур маълумотларни қабул қилиш ва жойлаштириш жойларининг пештахтасида ёки телефон орқали олиш ҳам мумкин.
- Мөхмөнхонада жойлаштириш учун рўйхатдан ўтказиш тартиби**
- 14.22. Рўйхатдан ўтиш учун Мөхмөнлар шахсини тасдикловчи ҳужжатни тақдим этишлари ҳамда стандарт рўйхатдан ўтиш шаклини тўлдиришлари ва имзолашлари лозим.
- 14.23. 14 ёшга тўлмаган вояга етмаган фуқароларни мөхмөнхонада рўйхатдан ўтказиш улар билан бирга бўлган ота-оналари (фарзандликка олувчилар, васийлар) ёки яқин қариндошлари/ҳамроҳлик қилувчи шахснинг (шахсларнинг) шахсини тасдикловчи ҳужжатлари, шунингдек, ушбу ваколатни тасдикловчи ҳужжат ҳамда вояга етмаганларнинг тугилганлик ҳақидаги гувоҳномалари асосида амалга оширилади. 14 ёшга тўлмаган вояга етмаган фуқаролар учун ҳамроҳлик қилувчи шахснинг ваколатини тасдикловчи ҳужжат деб бола ота-онасининг боласига Ўзбекистон Республикаси худуди бўйлаб ҳамроҳлик қилишга берилган нотариал тасдикланган розилиги ҳисобланади. 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганларни мөхмөнхонада рўйхатдан ўтказиш - уларнинг қонуний вакилларининг ёзма розилиги асосида амалга оширилади.
- 14.24. Вояга етмаганлар гурухи ташрифи жараённида (спорт жамоалари, ижодий гуруҳлар ва бошқалар) шахсий турар жойни рўйхатдан ўтказиш ушбу Қоидаларнинг 14.23-бандида кўрсатилган вояга етмаганларга оид ҳужжатлар асосида ҳамда нотариал тасдикланган ишончнома/розилик асосида иш юритувчи қонуний вакилнинг (ота-она, фарзандликка олувчи, васий ва бошқалар) шахси ва ваколатларини тасдикловчи ҳужжат асосида амалга оширилади.
- 14.25. Ушбу қоидаларнинг 14.22-банд ва 14.23-банд шартлари бажарилмаган ҳолларда, вояга етмаганларнинг мөхмөнхонада жойлаштирилишига рухсат берилмайди.
- 14.26. Чет эл фуқароси шахсини тасдикловчи ҳужжатни ва зарур бўлганда визани тақдим этиши, рўйхатдан ўтиш учун стандарт шаклини тўлдириши ва имзолashi лозим.
- 14.27. Тўловлар факат миллий валютада амалга оширилади.
- 14.28. Мөхмөнхонада жойлашиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этиб, рўйхатдан ўтиш жараёнлари тегишли равишда амалга оширилгандан сўнг, Мөхмон ўз турар жойи учун тўловни амалга оширади. Кейин мөхмөнга турар жой учун тўловини тасдикловчи ҳужжат ва шале-уйининг калити берилади.
- 14.29. Тўланган турар жой муддати тутагандан сўнг, Мөхмон шале-уйни белгиланган кетиши вақтига қадар (12:00) бўшатиши керак. Туриш муддатини узайтириш ушбу шале-уйга бошқа буюртма бўлмаган тақдирда амалга оширилиши мумкин. Мөхмөнга мавжуд бўлган бошқа бўш шале-уйи таклиф этилиши ҳам мумкин.
- 14.30. 4 ёшгача бўлган болалар учун (ота-оналари билан бир шале-уйда қолганида) алоҳида жой билан таъминламасдан жойлаштиришга тўлов олинмайди.
- 14.31. Мижозлар транспорт воситаларини шале-үй ёнидаги автотурагоҳга қўйиши мумкин. Мөхмөнхона Маъмури Курорт хавфизлик хизматига Мөхмон автомобилининг давлат рақамини маълум қилиши керак.
- 14.32. Ҳудудга кириш калит картаси ёки турар жой учун тўловни тасдикловчи ҳужжат орқали амалга оширилади.
- 14.33. Мөхмон мөхмөнхона мажмуаси биноларида (хусусий мөхмөн хоналари ва ҳожатхона кабиналари бундан мустасно) видео кузатув тизимлари кўлланилишидан ҳабардор бўлади ва бунга эътиroz билдирилмайди.
- 14.34. Буюртма қилиш, жойлашиш ва рўйхатдан ўтишда жараёнларида Мөхмон хона тоифасини танлайди ва **ушбу тоифадаги маълум бир шале-уйни тайинлаш ҳуқуки эса курорт маъмуриятида сақланиб қолади**.
- 14.35. Дам олиш маскани ва сайёхлик компаниялари ўртасида тузилган шартномалар асосида келган мөхмөнлар ёки туристик гуруҳлар учун шале-уйларни буюртма қилиш шартлари ушбу шартномаларда белгиланади. Агар бундай шартлар шартномада келитирilmagan бўлса, буюртма қилиш умумий асосларда амалга оширилади.

14.36. Мехмонхонада белгиланган рўйхатдан ўтиш вақти соат 15:00 дан белгилан кетиш вақти соат 12:00 гача бўлган тартибга мувофиқ, меҳмонхона хизматларини тўлаш учун дастлабки минимал ҳисобланадиган миқдор сифатида 21 соатлик тураг жой учун кунлик тўлов шакли ўрнатилган. Мехмонни рўйхатдан ўтказиш ва жойлаштиришида 0 соат 00 дакикадан белгиланган кетиш вақтигача (мазкур куннинг ўзида) 21 (соат) учун тураг жой нархи миқдорида тўлов олинади. Агар Мехмон, эгалланмаган шале-ўйлар бор бўлган холларда, соат 10.00 дан бошлаб белгиланган рўйхатдан ўтиш вақтигача меҳмонхонага жойлашса, меҳмонхона маъмурияти эрта жойлашиши учун ҳақ олиш хукуқига эга. Кечикирилган кетиш вақти учун тўлов (белгиланган чиқиши вақтидан соат 18:00 гача) белгиланган тариф бўйича ундирилади.

#### **Мехмонхонада яшайдиган меҳмонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари**

14.37. Мехмонхонада яшайдиган меҳмонлар куйидаги хукукларга эга:

- кўрсатилаётган меҳмонхона хизматлари ҳақида ишончли ва ўз вақтида маълумот олиш;
- меҳмонхона томонидан кўрсатиладиган қўшимча хизматлардан фойдаланиш;

14.38. Мехмонхонада яшайдиган меҳмонлар куйидагиларга мажбурдирлар:

- меҳмонхонада қабул қилиш ва жойлаштириш бўйича белгиланган қоидаларига риоя қилиш;
- меҳмонхона томонидан кўрсатилган хизматлар ҳакини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўлаш;
- шахсий буюмларнинг хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш (кимматбаҳо буюмлар, хужжатлар ва пулларни мини-сейфга жойлаштириш, шале-ўйдан чиқаётганда дераза ва эшикларни ёпиш, меҳмонхонадан кетиш вақтида калитни маъмурга топшириш). Хонани очиқ ва шахсий нарсаларни қаровсиз қолдирмаслик;
- меҳмонхона мулки ва жиҳозларига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, меҳмонхона мулкини йўқотиши ёки унга шикаст етказиш холларида амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ зарарини коплаш;
- тун ёки кундуз давомиди рўйхатдан ўтмаган шахсларни (курорт қоидаларида белгиланган тартибда “мехмон” сифатида рўйхатга олинмаган) шахсини тасдикловчи хужжати билан маъмуриятда рўйхатдан ўтказиш ва тасдиқланган тарифлар бўйича тўловни амалга ошириш. Ушбу қоидаларни тушунишда тунги вақт соат 23.00 дан 08.30 гача белгиланади;
- меҳмононадан кетаётганда фойдаланилган қўшимча хизматлар учун ҳақ тўлаш ва калитни маъмурга топшириш;
- агар транспорт воситаси шале-ўйнинг ҳудудида қоладиган бўлса, транспорт воситасининг маркаси ва давлат рақамини маълум қилиш.

14.39. Куйидагилар тақиқланади:

- шале-ўйга ташриф буюрвчиларни ҳаёти ва соғлиғи ҳамда мол-мулки хавфсизлигига таҳдид солувчи суюкликлар, материаллар ва жисмларни олиб кириш ва сақлаш;
- йўклигингизда шале-ўйда бегоналарни қолдириш, шунингдек меҳмонхона маъмуриятини огоҳлантирмасдан уларга хона калитини бериш; калит картангизни бошқаларга топшириш;
- дам олиш масканига тегишли бўлмаган иситиш мосламалари ёрдамида шале-ўйда овқат тайёрлаш;
- шале-ўйдаги мебелларни жойини ўзгартириш;
- ахлат ва шахсий гигиена воситаларини канализацияга ташлаш;
- меҳмононада яшаш давомида шале-ўйидан унинг тузилиши ва мақсадини мос равишда ўзгартирган ҳолда оффис майдони сифатида фойдаланиш;
- шале-ўйда қолиш билан боғлик бўлмаган тадбирларни ўтказиш (фуршетлар, кўплаб меҳмонларни қабул қилиш, тақдимотлар, кастиглар, танловлар ва бошқалар);
- маъмуриятнинг рухсатисиз Курорт ҳудудида матбуот анжуманларини ўтказиш.
- Ёнгин хавфсизлиги қоидаларига кўра, шале-ўйнинг ичидаги ЧИЛИМ чекип қатъиян ман этилади.

#### **Стандарт хизматлар:**

- Чойшаблар меҳмонхонага келгандан кейин 1 кун ўтгач (ҳар икки кунда бир марта) ёки Мехмоннинг чойшабни алмаштириш талабига биноан алмаштирилади.
- Сочиқларни алмаштириш 1 (биринчи) кундан кейин амалга оширилади. Сочиқларни белгиланган муддатдан олдин ўзгартириш қўшимча ҳақ эвазига амалга оширилади.
- Шале-ўй биринчи кундан кейин тозаланади. Меҳмонларнинг илтимосига кўра чойшабни белгиланган муддатдан олдин ўзгартириш тасдиқланган тарифларга мувофиқ қўшимча тўлов эвазига амалга оширилиши мумкин.
- Меҳмонхона маъмурияти (ҳар бир хонада таъминланган) сейфларда сакланмаган пул, қимматли қоғозлар ва қимматбаҳо буюмларнинг йўқолишига жавобгар эмас.

- Мехмонхонада яшовчилар сукут сақлашлари ва ўзаро хушмуомала бўлишлари керак.
- Мехмонхонада 5 кг гача бўлган кичик ва ўрта зотли итларни қолишига амалдаги тариф бўйича кўшимча тўлов асосида рухсат берилади.
- Маъмуриятнинг рухсатисиз Курорт худудида ҳеч қандай пиротехника воситаларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.
- Мехмонхонада яшовчи шахслар меҳмонхона мулки ва жихозларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишлари, тозалик ва ўрнатилган тартибни сақлашлари шарт.
- Мехмонхона мулки йўқолса ёки шикастланса, ушбу уйда яшовчи меҳмонлар етказилган заарни нархлар рўйхатига мувофиқ қоплайди. Заар етказиш - бу мулк хусусиятларининг тўлиқ ёки қисман йўқолиши ва уни қайта тиклашнинг иложи бўлмаган ёки тиклаш учун кўшимча моддий ёки пул харажатлари талаб қилинадиган ҳолдир.
- Мехмонхонада яшовчилар ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилишлари шарт. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шале-уйларда чекиши тақиқланган (шале-уйларда чекиши жаримаси 500 000 сўм).

Ушбу Қоидалар бузилган тақдирда, хусусан: шале-уй учун тўловни кечикириш, Меҳмонларнинг тинчлигини бузиш, нолойиқ хатти-харакатлар учун тегишли Меҳмонлар қонун хужжатларида белгиланган тартибда меҳмонхонадан чиқаруб юборилади.

## **15. "Red Rock Hammom & SPA" СПА мажмуасига ташриф буюриш қоидалари**

### **Умумий қоидалар**

15.1. Ушбу "Red Rock Hammom & SPA" СПА мажмуасига (кейинги ўринларда СПА мажмуаси) ташриф буюриш қоидалари (кейинги ўринларда Қоидалар) Ташриф буюрувчиларнинг СПА мажмуасида хавфсиз ва қулай вакт ўтказишларини таъминлашга қаратилган бўлиб, истисносиз курорт комплекси хизматларининг барча истеъмолчиларига (кейинги ўринларда Ташриф буюрувчилари деб юритилади), шунингдек, СПА мажмуаси худудидаги бўлган шахсларга тааллуклидир.

Шу мақсадда Қоидалар СПА мажмуасига Ташриф буюрувчиларнинг хукуқ ва мажбуриятларини белгилайди, ушбу хукукларни амалга ошириш механизмини аниклади, шунингдек фуқароларнинг бошқа Ташриф буюрувчиларга ёки СПА мажмуаси Маъмуриятига зиён етказиши ёки нокулайлик туғдириши мумкин бўлган, шунингдек, умуман СПА мажмуасига зарар етказувчи ҳаракатларини олдини олувчи бир катор тақиқлар ва чекловларни ўрнатади.

15.2. Ушбу Қоидалар қуидагиларни ўз ичига олади:

- СПА мажмуаси худудида хизматлардан самарали ва хавфсиз фойдаланиш қоидалари (кейинги ўринларда СПА мажмуаси хизматлари ёки хизматлар деб юритилади);
- СПА-хаммом хизматларидан фойдаланиш жараёнларида одоб-ахлоқ қоидалари;
- кейинчалик Ташриф буюрувчининг соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган хизматларнинг потенциал хавфли ва зарарли хусусиятлари тўғрисида муҳим ва ишончли маълумотлар;
- хизмат кўрсатувчилар, хизматлар ва хизматлар кўрсатишига оид барча зарур шарт-шароитлар ҳақидаги бошқа тўлиқ ва ишончли маълумотлар.

15.3 СПА мажмуасининг қонуний эгаси ва СПА мажмуаси худудида хизматлар кўрсатувчи ташкилот \_\_\_\_\_ (кейинги ўринларда СПА мажмуаси Маъмурияти, ижрочи, хизматлар кўрсатувчи ташкилот деб юритилади).

15.4 Ушбу Қоидалар танишиб чиқиш учун СПА мажмуасининг ва Мехмонхонанинг қабулхоналарида жойлаштирилган.

15.5 СПА мажмуаси иш жадвалига мувофиқ ишлайди, бу ҳакида маълумот СПА мажмуасига киришда ва қабулхона пештахтасида, шунингдек Мехмонхонанинг веб-сайт саҳифаларида жойлаштирилган.

СПА мажмуасининг иш вақти: душанбадан якшанбагача соат 10:00 дан 00:00 гача. Барча ташриф буюрувчилар СПА мажмуасидаги муолажаларини иш вақтининг тугашидан 15 дақиқа олдин якунлашлари ва биноларни иш вақти тугашига қадар кечиктирмай тарқ этишдари лозим.

15.6. СПА мажмуасининг иш вақти СПА Маъмурияти томонидан мустақил рaviшда белгиланади ва бунда СПА мажмуаси Маъмурияти қуидагиларга ҳакли: - ўз қарорига асосланган ҳолда ҳар қандай турдаги ҳаммом/саунани ташриф буюрувчилар учун очиш ва/ёки ёпиш ёки техник, эксплуатацион, ташкилий, санитария-гигиена ва бошқа сабабларга кўра хизматларни чеклаш (ускуналар ва дастурий таъминотни ижроига боғлиқ бўлмаган сабаблар туфайли ишдан чиқиши, электр ва сув таъминотни тегишли хизматлар томонидан вақтинча тўхтатилиши, енгиб бўлмайдиган куч ҳолаларини юзага келиши); - СПА мажмуасининг иш жадвалига (тартибига) техник, ташкилий, санитария-гигиена ва бошқа сабабларга кўра ўзгартиришлар киритиш ва бу ҳолатлар ҳақида СПА мажмуаси ҳамда меҳмонхонанинг маълумотлар пештахтасида ва (ёки) веб-сайтида хабар бериш.

15.7. СПА мажмуаси хизматларидан фойдаланмоқчи бўлган ҳар бир ташриф буюрувчи хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг кассасига нақд пулда, пул ўтказмаси (банк картаси) орқали тўловни амалга ошириши ёки СПА мажмуаси хизматларига тегишли совға сертификатини тақдим этиши лозим.

15.8. Ташриф буюрувчилар ушбу Қоидаларга, Курорт худудидаги одоб-ахлоқ қоидаларига ва Курорт ҳудудида амалдаги бошқа қоидаларга риоя қилган равишда мажмуада бўлиш ва унинг хизматлардан фойдаланиш хукукига эга.

15.9. З ёшгача бўлган болаларга СПА мажмуасига ташриф буюриш тақиқланади. З ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар СПА мажмуасига факат вояга етган ташриф буюрувчилар ҳамроҳлигида - бир вояга етган ташриф бурувчи билан битта бола шартига риоя қилган ҳолда ташриф буюришлари мумкин. Бир вояга етган меҳмон иккита болага ҳамроҳлик қилиши учун, болалардан бири ўн икки (12) ёш ёки undan катта бўлиши керак. Бундай ҳолда, белгиланган ёшни тасдиқловчи

хужжатларни тақдим этиш лозим. Катталар ўз ҳамроҳлигидаги болаларнинг хавфсизлигига, шунингдек, улар томонидан етказилган зарар учун тўлиқ жавобгар бўладилар.

15.10. СПА мажмуаси меҳмонларга вояга етмаган болаларни парвариш қилиш, уларга қараб туриш ва таъминот бериш бўйича хизматларни тақдим этмайди. Боланинг ҳол-аҳволи ва хатти-харакатларини назорат қилиш масъулияти болаларга ҳамроҳлик қилаётган вояга етган меҳмонларга юкланди. Болаларга ҳамроҳлик қилаётган катталарга болаларни каровсиз қолдирмаслиги ёки болаларга бошқа меҳмонларни безовта қилишларига йўл кўймаслиги лозим.

15.11. Болага ҳамроҳлик қилувчи шахс ушбу Қоидаларни болага тушунтириши шарт.

15.12. Хизматлар нархи “Red Rock Hammom & Spa” СПА мажмуасининг менюсида, шунингдек [веб-сайтида](https://www.amirsoy.com/) келтирилган.

15.13. СПА мажмуаси хизматларининг нархини тўлаш ва/ёки СПА мажмуаси худудига кириш орқали Таширif буюрувчи ушбу Қоидалар билан тўлиқ танишиб чиққанини ва уларга розилигини, Таширif буюрувчи (таширif буюрувчининг боласи) ҳаммомларда бўлиши учун тиббий чекловларга эга эмаслигини тасдиклайди. Таширif буюрувчи ўз баданининг (боласининг бадани) имкониятларини (функционал ҳолатини) ва унинг жисмоний фаолликни шартларига мувофиқлигини мустақил равишда баҳолаши керак. Меҳмон ҳаммом ва сауналарда узоқ вақт колиши натижасида тана ҳароратининг ошиши ва бу эса соглиқ учун хавфли бўлиши мумкинлиги ҳакида огохлантирилган. Ҳар бир ташриф буюрувчи СПА мажмуаси худудида ўзининг ва у билан бирга бўлган болаларнинг саломатлиги учун шахсий жавобгарликни ва барча шикастланиш хавфларини ўз зиммасига олади.

15.14. СПА мажмуаси худудида хизматлардан самарали ва хавфсиз мухитда фойдаланиш учун ҳар бир ташриф буюрувчи ушбу Қоидалар талабларига, хизмат кўрсатувчи ходимларнинг кўрсатмаларига, шунингдек, тегишли маълумотлар, огохлантиришлар, белгилар (пештахтлар, эълонлар ва бошқалар) талаблари билан муолажалардан олдин танишиб чиқиб, уларга қатъий риоя қилиши керак.

15.15. СПА мажмуаси Маъмурияти Мехмоннинг ўз ташаббуси ёки айби билан СПА мажмуасининг пуллик хизматларидан фойдаланмаганлиги, худудда қолдирилган мулки, қимматбаҳо буюллари, ҳужжатларни йўқолиши/бузилиши/нобуд бўлиши учун жавобгар эмас.

15.16. СПА Маъмурияти истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига ушбу қоидаларни бузганлиги сабабли, шунингдек, форс-мажор ҳолатлари, шу жумладан (лекин улар билан чекланмаган ҳолда): табиий оғатлар (зилзилалар, сув тошқинлари, кор кўчкиси ва бошқалар), тартибсизликлар, фуқаролар уруши, иш ташлашлар, ваколатли давлат органларининг қарорлари, фавқулодда вазиятлар (электр энергияси, сув таъминоти, газ таъминотидаги узилишлар, таъмирлаш-тиклиш ишлари ва бошқа авария-тиклов ишлар ва энергетика тармоғи ташкилотларининг ҳаракатлари) ва ҳоказолар туфайли етказилган зарар учун жавобгар эмас.

15.17. СПА мажмуаси Маъмурияти енгиб бўлмас кучлар ҳолатлари, шу жумладан (лекин улар билан чекланмаган ҳолда): табиий оғатлар (зилзилалар, сув тошқинлари, кор кўчкиси ва бошқалар), тартибсизликлар, фуқаролар уруши, иш ташлашлар, ваколатли давлат органларининг қарорлари, фавқулодда вазиятлар (электр энергияси, сув таъминоти, газ таъминотидаги узилишлар, таъмирлаш-тиклиш ишлари ва бошқа авария-тиклов ишлар ва энергетика тармоғи ташкилотларининг ҳаракатлари) ва ҳоказолар, шунингдек қонунда белгиланган бошқа асослар туфайли хизматларнинг номуносига бажарилиши (бажарилмаслиги) учун жавобгар эмас.

15.18. СПА мажмуаси маъмурияти ушбу Қоидалар талабларини ва бошқа мажбурий хулқ-атвор қоидаларини бузаётган/бузган ҳар қандай ташриф буюрувчининг хизматлардан фойдаланишни рад этиш, шу жумладан, ташриф буюрувчини мажмуа худудидан олиб чиқиш ва тўланган хизматлар қийматини қайтармаслик ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. СПА мажмуаси Маъмурияти спиртли ичимликлар ва/ёки гиёхванд моддалар таъсирида мастлик ҳолатида бўлган меҳмонга/меҳмонларга хизмат кўрсатишни рад этиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади, бунда олдиндан тўланган пул миқдори қайtarilmайдi.

15.19. Меҳмон тоифалари ва СПА мажмуасига ташриф буюриш тартиби.

СПА мажмуаси қўйидаги тоифадаги ташриф буюрувчиларга хизматларини тақдим этади:

- “Le Chalet by Amirsoy” меҳмонхонасида рўйхатдан ўтган ва яшовчи меҳмонлар;
- “Le Chalet by Amirsoy” меҳмонхонасида рўйхатдан ўтмаган ва яшамайдиган меҳмонлар.

15.20. Спа мажмуасига ташриф буюрувчиларга қўйидагилар тақиқланади.

15.20.1 Тиббий чекловлар, тери ёки юқумли касалликлар, қон кетиши ҳолатлари, ўзини ёмон ҳис қилиш ҳолатлари мавжуд бўлса, шунингдек, марказий нерв системасига таъсир кўрсатувчи ва

- реакция берувчи дори-дармонларни қабул қиласынан бўлсалар, СПА мажмуасига ташриф буюриш, ҳаммом / сауналардан фойдаланиш;
- 15.20.2 СПА мажмуаси худудига устки кийим ва пойабзалда кириш;
- 15.20.3 Спиртли ичимликлар, гиёхванд ёки токсик моддалар таъсиридаги мастилик ҳолатида СПА мажмуасида бўлиш;
- 15.20.4 СПА мажмуасига ўқотар ва тигли совук куроллар, ўткир кесувчи жисмлар, шиша буюмлар, портловчи, ёнувчан, заҳарли ва токсик моддалар, шунингдек газ баллонларини олиб келиш. Шунингдек, СПА мажмуаси худудида портловчи ва ёнувчан моддаларидан (шу жумладан мушакбозлик ва бошқа пиротехника маҳсулотларидан) фойдаланиш, СПА мажмуаси худудида олов ёкиш;
- 15.20.5 СПА мажмуаси худудида чекиш (яъни, сигареталар, сигаралар, электрон сигареталар, вейплар, чилимлар);
- 15.20.6 СПА мажмуаси худудида ўзи билан алкоголли ичимликлар олиб келиш ва ичиш, шунингдек овқат истеъмол қилиш (бунинг учун маҳсус ажратилган жойлардан ташкари);
- 15.20.7 СПА мажмуаси худудига бегона жисмлар ва ахлат ташлаш;
- 15.20.8 Шовқин қилиш, одобсиз сўзларни ишлатиш, бўйсуннаслик, жамоат тартибини бузиш, бошқа Ташриф буюрувчиларни ғазаблантириш;
- 15.20.9 Душхонада шиша идишлардаги ювиш воситалари, парфюмерия ва бошқа суюкликлардан фойдаланиш;
- 15.20.10 Косметика воситаларини (кремлар, малҳамлар ва бошқаларни) терига суртиш. Ҳаммом / сауналарда косметика ва баня супургилардан фойдаланиш, ҳаммом / сауналардан киришдан олдин турли хил крем ва малҳамлар, парфюмерия, эфир мойлари, асал, косметика воситаларидан фойдаланиш;
- 15.20.11 СПА мажмуаси биноларида ҳар қандай косметик муолажаларни мустакил равишида бажариш (маникюр, педикюр, пилинг, буғлаш ва бошқалар);
- 15.20.12 СПА мажмуасида ялангоёқ юриш;
- 15.20.13 Ҳаммомларда/сауналарда ва СПА мажмуасининг жамоат жойларида сузиш кийимисиз бўлиш; болаларга эса СПА мажмуаси худудига сузиш кийимисиз ва сузиш иштонисиз бўлиш;
- 15.20.14 СПА мажмуаси худуди бўйлаб югуриш ва ҳаддан ташқари фаол ҳаракат қилиш, шу жумладан жавобгарлиги остидаги болаларнинг ҳаддан ташқари фаол ҳаракатланишига йўл қўйиш, ёки бошқаларга хавф туғдирадиган бошқа ҳаракатларни бажариш;
- 15.20.15 Профессионал анжомлардан фойдаланган ҳолда фото ва видео суратга тушириш;
- 15.20.16 СПА мажмуаси ходимларига ажратилган хоналарга ва мажмууга техник хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган хоналар ва қўшимча биноларга кириш ва уларда бўлиш;
- 15.20.17 Ҳар қандай муҳандислик-техник асбоб-ускуналарга тегиш, уларни ёкиш, ўчириш ва созлаш;
- 15.20.18 Ҳаммомларда/сауналарда иситгичга сув қуиши/иситгични (ҳаммом/саунадаги печни) бегона нарсалар билан ёпиш ва буғ чиқиши учун иситгични сув билан тўлдириш;
- 15.20.19 СПА мажмуасининг хизмат кўрсатувчи ходимлари талабларини эътиборсиз қолдириш, хизмат кўрсатувчи ходимларга ва СПА мажмуасига ташриф буюрувчиларга нисбатан хурматсиз ёки қўпол муносабатда бўлиш;
- 15.20.20 СПА мажмуаси худудида СПА Маъмуриятининг рухсатисиз тижорат, реклама ва бошқа фаолият билан шуғулланиш - бу даромад келтириш-келтирмаслигидан қатъи назар;
- 15.20.21 СПА мажмуаси худудига ҳайвонларни олиб кириш;
- Ушбу Қоидалар талабларини бузиш ва Маъмуриятнинг асосли талабларини бажармаслик ҳолларда, ташриф буюрувчи Хавфизлик хизмати томонидан СПА мажмуаси худудидан, тўланган хизматлар нархи қийматини қайтарилмасдан, олиб чиқилиши мумкин.
- Ташриф буюриш қоидалари
- 15.21 Ташриф буюрувчи ўз саломатлик ҳолатини СПА мажмуасида бўлиш шартларига мувофиқлигини, жисмоний ва психоэмоционал имкониятларини баҳолаши керак. Юқори қон босими, юрак-қон томир касалликлари ёки нафас олиш муаммолари каби тиббий чекловларга эга бўлган ёки яқин орада спиртли ичимликлар ёки дори-дармонларни истеъмол қиласынан ташриф буюрувчилар ўзларини юқори ҳарорат таъсиридан саклашлари керак.
- 15.22 Ҳаммом/сауналарга ташриф буюриш учун сизда тегишли кийим бўлиши керак: чўмилиш кийими, сузиш костюми (аёллар учун), сузиш шортиги (эркаклар учун);
- 15.23. Ҳаммомда/саунада чўмилиш киймининг тепа қисмисиз бўлиш тақиқланади (аёллар учун);

- 15.24. Хаммомларга / сауналарга бошни юқори ҳарорат таъсиридан ҳимоя қиладиган махсус бош кийимини (махсус сауна / ҳаммом қалпогини) кийиб кириш тавсия этилади. Иссик хонага киришдан олдин, илиқ дүшда совун билан ювениб, құруқ артениб олиш тавсия этилади. Бошингизни хаддан ташқари қызиз кетишин олдини олиш учун бошингизни ҳұлламанг;
- 15.25. Шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиниши лозим. Ҳаммомлар/сауналарга ташриф буюришдан олдин ҳамда сауналар ва ҳожатхоналарга ташриф буюргандан сүнг албатта душ қабул қилиш лозим;
- 15.26. Шахсий гигиена мақсадларида СПА мажмуасида тақдим этилган сочиклардан фойдаланиш ва улардан саунадаги скамейкага ёйиб фойдаланиш лозим;
- 15.27. Ҳаммомда/саунада бўлганда, иситгичнинг юзасига тегиш мумкин эмас - бу кучли куйишга олиб келиши мумкин;
- 15.28. Ҳаммом/сауна ва умуман СПА мажмуасида интим характердаги хатти-хракатлар тақиқланади;
- 15.29. Ҳаммом/сауналарга пластик идишларни олиб кириш тақиқланади;
- 15.30. Иситгични устига бегона нарсаларни (сочик, чўмилиш кийимлари ва бошқаларни) қўйиш тақиқланади;
- 15.31 Ҳаммомларда/сауналарда ҳароратни мустақил равишда ўзгартириш тақиқланади;  
Ташриф қилиш ва буюртма қилиш қоидалари
- 15.32 Ўзингиз учун қулай вақтда керакли муолажаларни олиш учун СПА мажмуасини ва хизматларни олдиндан, муолажалар ёки мажмуа ижараси учун депозит ёки тўлиқ нархни тўлаб, буюртма қилиш тавсия этилади.
- 15.33 Ижара буюртма қилинган ва муолажалар олиш куни СПА мажмуасига кийим алмаштириш, меҳмонлар сўровномасини (барча мавжуд касалликлар ва тиббий чекловларни кўрсатган ҳолда) тўлдириш ҳамда барча қизиқтирган маълумотларни аниқлаштириш учун келишилган вақтдан 15 дақиқа олдин келиш лозим. Мутахассисга олдинги жароҳатлар ёки сурункали касалликлар ҳақида хабар берилмаган ҳолларда, СПА мажмуаси мижоз соғлигининг ёмонлашиши учун жавобгар эмас.
- 15.34. Белгиланган вақтдан кеч қолиб келиш, СПА мажмуасида бўлиш ва муолажа учун ажратилган вақтни қисқартиради, бу эса хизмат сифатига таъсир қилади. 20 дақиқадан ортиқ кечикиш ҳолларда, Маъмур депозит ёки тўлиқ тўланган нархнинг қийматини қайтармасдан буюртмани бекор қилишга ҳақли. Агар бирон сабабга кўра СПА мажмуасига ташриф буюра олмасангиз, келишилган ижара вақти бошланишидан камида 3 соат олдин бизга олдиндан хабар беришингизни сўраймиз.
- 15.35. Муолажалардан олдин барча заргарлик буюмларини ечиб қўйиш тавсия этилади. Фойдаланиш учун бир мартали ишлатиладиган ички кийим берилади (муолажалар хонасида).
- 15.36 СПА мажмуасига ташриф буюриш СПА муолажасининг нархига киритилмаган ва тасдиқланган нархлар рўйхатига мувофиқ алоҳида тўланади.
- Ташриф буюрувчиларнинг ҳуқуклари.
- 15.37. Ҳар бир ташриф буюрувчи қўйидаги ҳуқукларга эга:
- ушбу Қоидаларга мувофиқ СПА мажмуасига ташриф буюриш;
  - СПА мажмуасига факат қабулхонада рўйхатдан ўтгандан ва бир марталик ташриф учун пул тўлагандан сүнг ташриф буюриш;
  - СПА мажмуасидаги барча камчиликлар, сифатсиз кўрсатилган хизмат тўғрисида СПА Маъмуриятига маълум қилиш ва унинг фаолиятини яхшилаш бўйича ўз таклифларини билдириш;
  - кийим алмаштириш хонасида нарсаларни саклаш учун алоҳида шкафлардан белгиланган тартибда фойдаланиш;
  - ушбу Қоидаларда белгиланган тартибда кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш;
  - ушбу Қоидаларни тушунтириш ва ушбу Қоидаларга мувофиқ хизматлар кўрсатиш билан боғлик барча масалалар бўйича СПА мажмуаси Маъмуриятига (хизмат кўрсатувчи ходимларга) мурожаат қилиш.
- 15.38. Ташриф буюрувчи СПА комплекси хизматларидан фойдаланишда юзага келадиган барча низолар, саволлар, даъволар ва келишмовчиликлар бўйича дархол СПА мажмуаси Маъмуриятига мурожаат қилиб, уларни ҳал қилишни сўрашга ҳақли. Барча низолар ёки келишмовчиликлар томонлар ўртасидаги музокаралар, шу жумладан ёзма даъволарни юбориш орқали ҳал қилинади. Ташриф буюрувчининг ёзма даъвоси тўғридан-тўғри хизмат кўрсатилган куни берилиши мумкин ва қабул қилувчи (СПА мажмуаси Маъмурияти) томон, агар амалдаги қонун хужжатларида

истеъмолчининг даъвосини кўриб чиқиш ва қондириш учун бошқа муддатлар белгиланган бўлмаса, даъвони 30 кун ичида кўриб чиқиб, ёзма равишда жавоб бериши керак. Агар Ташриф буюрувчи хизматлар кўрсатилган куни ёзма даъво билан мурожаат қилмаса, СПА мажмуасининг хизматлари тегишли сифат ва миқдорда тақдим этилган ва СПА мажмуасига Ташриф буюрувчи томонидан ҳеч қандай изоҳларсиз тўлиқ қабул қилинган деб хисобланади.

15.39 Агар мунозарали масалалар бўйича келишмовчиликларни музокаралар йўли билан, шу жумладан ёзма даъволарни юбориш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаса, улар қонун ҳужжатларига мувофиқ умумий юрисдикция судида кўриб чиқилади.

15.40. Ташриф буюрувчининг мажбуриятлари.

- ушбу СПА мажмуасига ташриф буюриш Коидалари билан танишиб чиқиш ва уларга риоя қилиш, жамоат тартиби коидаларига риоя қилиш, бошқа ташриф буюрувчиларга ҳамда “Le Chalet By Amirsoy” ва “Red Rock Hammam & Spa” СПА мажмуасининг ходимларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, умумий хавфсизлик ва ёнғин хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш, санитария ва гигиена талабларини бажариш, шунингдек тартиб ва тозаликни сақлаш;
- фойдаланишга берилган мол-мулкка эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, акс ҳолда ташриф буюрувчи белгиланган нархлар рўйхатига мувофиқ етказилган зарарнинг тўлиқ кийматини тўлайди;
- ташриф вақтидан олдин бирон бир нуқсон аниқланса, дарҳол СПА мажмуасининг хизмат кўрсатиши ходимларига хабар бериш;
- ташриф оҳирида СПА мажмуасининг кийиниш хонасидан чиқаётганда ишлатилган сочиқ ва халатларни қайтариб бериш;
- СПА мажмуасидаги одамлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган барча хавфли вазиятлар ва обьектлар тўғрисида СПА Маъмуриятини хабардор қилиш;
- Ҳаммомда/саунада шикастланиш ҳоллари рўй берса, бўғимларда, оёқ-қўл мушакларида оғриқ, томир тортиш сезилса, кўзда ва терида кучли қизариш юзага келса, кон кетиши, шунингдек, ўзингизни ёмон хис қилиш кузатилса, дарҳол хизмат кўрсатиши ходимларига ёки бошқа ташриф буюрувчиларга хабар/белги бериб, биринчи ёрдам заруратини маълум қилиш;

Бошқа шартлар.

15.41. СПА мажмуаси Маъмурияти СПА мажмуаси хизматларининг сифати тегишли хизмат тури учун белгиланган сифат стандартларига, шу жумладан хавфсизлик талабларига, ёнғин хавфсизлиги ва санитария-эпидемиология талабларига мувофиқлигини кафолатлади.

15.42. Мазкур Коидаларга мувофиқ кўрсатиладиган хизматлар учун мажбурий сертификатлаш ва лицензиялашдан ўтиш талаб қилинмайди.

15.43. Агар ташриф буюрувчининг харакатлари туфайли мулкга зарап етказилса, “Le Chalet By Amirsoy” ушбу мулкий зарапни қоплашни талаб қилишга ҳақли. Бундай ҳолларда етказилган зарап факти бўйича далолатнома тузилади ва у СПА мажмуаси Маъмурияти ва зарап етказгандан Ташриф буюрувчи томонидан имзоланади. Далолатномада томонлар келишган зарап миқдори кўрсатилади. Агар Ташриф буюрувчи далолатномани имзолашдан бош тортса, унда корхона ходимлари бўлмаган камида иккита гувоҳ иштирокида тегишли ёзув киритилади. Агар зарап 14 ёшгача бўлган вояга етмаганлар томонидан етказилган бўлса, зарапни қоплаш амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларнинг қонуний вакиллари томонидан амалга оширилади.

15.44. Ушбу Коидаларга мувофиқ, СПА мажмуаси Маъмурияти, назорат қила олмайдиган омилларга (нокулай об-ҳаво шароитлари, сув ва ҳаво ҳароратининг Ташриф буюрувчига тўғри келмаслиги, Ташриф буюрувчиларнинг сони ошиб кетиши ва бошқалар) боғлиқ бўлган ҳаммомлар/саunalар ҳолатига тегишли, Ташриф буюрувчи мажбурият ва кафолатларни ўз зиммасига олмайди.

15.45. СПА мажмуаси Маъмурияти ушбу Коидаларга бир томонлама тартибда ўзгартиришлар киритиш хукукига эга. Коидаларга киритилган ушбу ўзгартиришлар “Le Chalet By Amirsoy” меҳмонхонаси ва СПА мажмуаси худудидаги аҳборот пештахталари ва (ёки) веб-сайтида жойлаштирилган вактдан эътиборан кучга киради. Ташриф буюрувчи хизмат ҳақини тўлашдан олдин Коидаларга киритилган ушбу ўзгартиришлар билан мустакил равишда танишиб чиқиш мажбуриятини олади.

Янги коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишининг олдини олиш ва ундан ҳимояланишга қаратилган ташриф буюриш бўйича қўшимча қоидалар.

COVID-19 тарқалишининг олдини олишга қаратилган чекловчи тадбирлар туфайли СПА мажмуасининг айрим хизматларига чекловлар киритилиши мумкин. Батафсил маълумотни СПА мажмуаси маъмурларидан олиш мумкин.

## 16. Арқон шаҳарчасидан фойдаланиш қоидалари

- 16.1. Мазкур қоидалар Шаҳарча худудида бўлган ташриф буюрувчиларнинг ҳаёти ва соғлиги хавфсизлигини таъминлаш учун ишлаб чиқилган.
- 16.2. Ҳарид қилинган чипта кўрсатмалар берилиши бошланганидан ёки йўлакчага биринчи чиқишдан бошлаб 3 соат давомида амал килади. Кўрсатмалар беришнинг бошланиш вақти инструктор томонидан ташриф буюрувчининг билак тасмасида белгиланади. Тайёргарлик машқлари ўтказиладиган майдон ҳам Шаҳарчанинг йўлакчаси ҳисобланади.
- 16.3. Тайёргарлик машғулотларини ўтмасдан йўлакчаларга чиқиш тақиқланади.
- 16.4. Мижоз тайёргарлик машғулотлари давомида барча қоидаларни тушунганига ишонч ҳосил қилиши керак.
- 16.5. Ҳар бир ташриф буюрувчи чипта сотиб олганда, ўз ҳаёти ва соғлиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.
- 16.6. Мижоз Шаҳарчага тариф буюрганда ўзи ва болалари учун жавобгардир.
- Шаҳарчага ташриф буюрувчининг нотўғри хатти-харакатлар қилиши, ушбу қоидалар ва оғзаки кўрсатмалар қоидаларини бузиши натижасида фавқулодда вазиятта юзага келиб, ўзининг ёки атрофидаги ташриф буюрувчиларнинг ёки Шаҳарча ходимларининг мулкига, соғлиғига зарар етказилган ҳолларда, қоидани бузган ташриф буюрувчи фавқулодда вазиятнинг оқибатлари учун жавобгар бўлади.
  - 18 ёшгача бўлган болалар факат ота-оналарининг (vasiyllarinnig) ёзма розилиги билан йўлакчалардан ўтишлари мумкин.
  - 14 ёшгача бўлган болаларга йўлакчалардан ўтиш факат уларнинг харакатлари, ҳаёти ва соғлиги учун жавобгар бўлган катталарнинг ҳамроҳлиги билан рухсат берилади.
  - Ота-оналар (vasiyllar), боланинг йўлаклардан ўтиш учун ота-онасининг ёзма розилигига кўрсатилган қариндошлари ёки болалар саёхатини ташкил этган муассасанинг буйруги билан болаларнинг ҳаёти ва соғлиги учун масъул бўлган педагог ходимлар болаларга ҳамроҳ бўлишлари мумкин.
  - Боланинг нотўғри хатти-харакатлари, хавфсизлик қоидалари ва оғзаки кўрсатмалар шартларини бузиши натижасида фавқулодда вазият юзага келиб, боланинг ўзи ёки унинг атрофидаги одамларнинг мулкига, соғлиғига зарар етказилган тақдирда, болага ҳамароҳлик қилувчи катталар ушбу фавқулодда вазиятнинг оқибатларига жавобгар бўладилар.
- 16.7. Кўлланиладиган жиҳозлар ва ўтиладиган йўлакчалар:
- Шаҳарчада кўлланиладиган барча жиҳозлар Европа стандартлари талабларига жавоб беради. Сизга ускуналар яхши ва ўз мақсадига мувофиқ равишда ишлатилишига мос ҳолатда берилади.
  - Хавфсизлик белбоги ва камарлари доимо маҳкам тортилиб тақилган бўлиши керак. Агар уларнинг маҳкам тортилганига ишончнинг комил бўлмаса, ёрдам учун инструкторга мурожаат қилинг.
  - Йўлакчадан ўтиш давомида сиз доимо камида битта карабин билан хавфсизлик тросига уланган бўлишингиз керак.
  - Ҳар бир босқични бошлашдан олдин барча хавфсизлик жиҳозларингиз тақилган ва/ёки уланганига ишонч ҳосил қилинг.
  - Хотиржам харакат қилинг, шахсий жиҳозларингизни назорат қилинг.
  - Платформада бир вактнинг ўзида уч кишидан ортиқ одам бўлиши мумкин эмас.
  - Йўлакчаларнинг турли босқичларида троснинг бир сегментида бир ёки икки киши бир вактнинг ўзида харакатланиши мумкин – бу ҳакида ҳар бир босқичнинг ахборот белгиларида маълумот келтирилган.
  - “Зип-лайн” босқичидан (тросга осилган ҳолатда) ўтишда ғилидирак (ролик) ишлатилади, колган 2 та карабинлар кўшимича хавфсизлик учун тросга уланади.
  - Зип-лайнда бир вактнинг ўзида факат бир киши бўлиши мумкин.
  - Ҳаракат давомида тросга тегманг!
  - Парк инструкторлар ўз маҳсус кийимлари (униформалари) билан бошқалардан ажралиб турадилар. Йўлакчалардан ўтаётганда сиз инструкторларнинг “хавфсизлик талаблари” деб белгилаган барча кўрсатмаларига риоя килишингиз керак.
  - Ташриф буюрувчилар хавфсизлигига таҳдид солувчи нотўғри харакатлар содир этилган ҳолларда, инструктор қоидани бузган мижоздан Шаҳарчани тарк этишини талаб қилишга ҳакли – бунда сотиб олинган чиптанинг киймати қайтарилмайди.

- Агар Шаҳарча асбоб-ускунаси ёки жиҳозларида бирон бир носозликни кўрсангиз/аниқласангиз, дархол ходимларга хабар беринг.
- Чипталар кассаси Шаҳарчанинг ёпилиш вақтига икки соат қолганда ёпилади.
- Йўлакчаларга чиқиш Шаҳарча ёпилишидан бир соат олдин тўхтатилади.
- Йўлакчалардан Шаҳарча ёпилишидан 10 дақиқа олдин тушиб, жиҳозларингизни топширишга улгуришингиз керак.
- Об-ҳаво шароити туфайли Шаҳарча ёпилганда, сотиб оинган чипталар нархи қиймати қайтарилмайди.

Йўлаклар:  
Яшил рангли  
Кўк рангли

Вазн ва бўйга нисбатан чекловлар:  
Максимал 100 кг; минимал 120 см  
Максимал 100 кг; минимал 140 см